



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
27-dekabr
shanba
№ 51 (1477)

Gazeta 1996-yil dekabr dan chiqa boshlagan * www.uzhurriyat.uz * @ hurriyatuz@mail.ru * t.me/hurriyatuz * Hurriyat gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ



Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!

Хурматли депутат ва сенаторлар! Мухтарам меҳмонлар!

Бугун Олий Мажлисга ва кўп миллатли халқимизга келгуси йил учун Мурожаатномани тақдим этар эканман, аввало, барчангизни соғ-саломат, кўтаринки кайфиятда кўриб турганимдан хурсандман.

Сўнги тўққиз йилда биз сизлар билан, эл-юртимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Иқтисодийимиз янгида шаклланди, бозор муносабатларини, ижтимоий ҳимояни кенгайтирдик, қонун устуворлигини мустаҳкамладик. Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик. Бунинг тасдиғини тобора янгича қиёфа касб этиб бораётган шаҳар ва қишлоқ-

ларимизда, замонавий корхоналар, савдо-сервис масканлари, мактаб, боғча ва шифохоналар, обод кўча ва маҳаллалар, транспорт-логистика тизими, рақамли хизматлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Қадри ватандошлар! Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган ва яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар, давлатлар ўртасида иқтисодий қарам-қаршилиқ, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган таҳликали бир вазиятда сизлар билан ўта мураккаб йилни яқунлаяпмиз.

Қанчалик оғир бўлмасин, бошланган демократик ислохотларимизни қатъий давом эттирганимиз; халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ва ёшларимизнинг ғайрат-шижоати; ҳам-жиҳатлик асоси бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтирганимиз; одамларимизнинг онги ва дунёқарашини ўзгартириб, эл-юртимизни янада жипс-лаштирганимиз; тадбиркор, деҳқон

ва фермерларимизнинг ташаббускорлиги ва мардона меҳнати; ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган дўстона ташқи сиёсатимиз ҳисобига 2025 йилда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришдик.

Аввало, жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ва транспорт-логистика занжирлари узилган, хомашё ва молиявий ресурслар нархи ошган шароитда ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти ишончли ва барқарор ўсишда давом этаётганини қайд этиш лозим.

Бу натижалар дунё ҳамжамияти ва нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Эътибор беринг, бундан тўққиз йил олдин иқтисодийимиз ҳажмини 100 миллиард долларга етказиш биз учун жуда катта марра бўлиб қўринарди. Бу йил тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулотимиз 145 миллиард доллардан ошди. Бундай юксак натижалар халқимизнинг, барчамизнинг қандай улкан ишларга қодир эканимизни яққол намоён этмоқда.

Глобал савдо тизимида "ўйин қоидалари" ўзгараётган бир пайтда биз бу йил экспортимизни 23 фоизга ошириб, 33,4 миллиард долларга етказамиз. Энг муҳими, ислохотларимиз учун мустаҳкам молиявий база бўладиган олтин-валюта захираларимиз илк бор 60 миллиард доллардан ошди.

Бу йил иқтисодийимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 миллиард долларга етди. Жами инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса иқтисодийимиз келгуси йилларда ҳам юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши учун замин бўлади.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузи, халқаро рейтинглардаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, етакчи халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг суверен рейтингини "ВВ-"дан "ВВ" погонасига кўтарди.

Бу гаплар кўпчиликка оддий бир факт бўлиб туюлиши мумкин. Лекин иқтисодчилар, инвестор ва банкирлар гап нақадар катта натижалар ҳақида бораётганини жуда яхши тушуниб турибди. Биргина ана шу ўзгариш туфайли четдан жалб қилинадиган ресурсларнинг фойдаланиш даражаси 1-1,5 пунктга пасайиб, ташқи қарз ҳаражати йилга камида 300 миллион долларга камайдди.

Шунингдек, Жаҳон банки эълон қилиб борадиган Давлатларнинг технологик етуқлик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқори кўтарилиб, дунёнинг топ-10 та мамлакатга қаторидан жой олди.

Аҳоли фаровонлиги ва бизнесни ўстиришга хизмат қиладиган инфратузилмани янада яхшилаш бўйича ҳам 2025 йил катта ўзгаришлар йили бўлди. Хусусан, энергетика соҳасида туб бурилиш ясаганимиз ҳисобига электр ишлаб чиқариш ҳажмини 85 миллиард киловатт-соатга етказдик.

Тасаввур қилинг, 2017 йилдаги 60 миллиард киловатт-соат генерация даражасида қолиб қолганимизда, ҳозир иқтисодийимиз ҳажмини 2 карра ошира оларимизми? Ишлаб

чиқаришнинг ўсиб бораётган талабини, 38 миллион аҳоли эҳтиёжини қоплаб бўларимизми?

Бу йил 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик суви кириб борди, яна 2 миллион 300 мингга яқин аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Ёки 867 та "оғир" маҳалладаги 470 мингга хонадонга томорқаларни сўғориш учун илк бор сув етиб борди.

Жорий йилда аҳолига 8 миллион 100 минг квадрат метрли, 135 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар топширилмоқда, одамларнинг ўзи ҳам яшаш шароитини яхшилаш учун 19 миллион квадрат метр майдонда қурилиш қилди. Бизнес вакиллари томонидан 24 миллион квадрат метр нотурар жой объектлари барпо этилди.

Умуман, сўнги тўққиз йилда 210 миллион квадрат метрли турар жой ва нотурар жой объектлари фойдаланишга топширилди.

Бу рақамларга урғу бериб айтаётганим албатта бежиз эмас. Агар йўл, сув, электр ва бошқа инфратузилмалар учун зарур маблағни топиб бермаганимизда, қурувчилар ва қурилиш материаллари корхоналари учун шарт яратиб бермаганимизда, ипотeka тизимини йўлга қўймаганимизда, шунча бунёдкорлик ишлари бўларимизми?

Жорий йилда 5 миллион аҳолимиз даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарий 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 минг 435 та маҳалла "камбағалликдан холи" ҳудудга айланди.

Камбағал оилаларга мансуб 168 минг нафар бола давлат боғчаларига имтиёзли асосда қабул қилинди. Бу йилдан бошлаб, 208 та боғчада биринчи марта инклюзив таълим тизимини жорий этдик.

Таъкидлаш кераки, юртимизда камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушди.

Бир эсланг, бу ишларни бошлаганимизда аҳолимизнинг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди. Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар

орқали ижтимоий ҳимоянинг му்தлақо янги тизимини йўлга қўйганимиз ва буларни маҳалладаги "еттилик"нинг ўзига берганимиз натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 карра қисқарди. Натижада уч йил олдин камбағалликни 2026 йил якуни билан 2 карра қисқартириш бўйича олган марраимизни шу йилнинг ўзида уддаладик.

Энг муҳим ютуқларимиз ҳақида сўз юритганда, азму шижоатли спортчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда эришган ғалабаларини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир.

Аввало, Ўзбекистон футболу учун 2025 йил чинакам тарихий йил бўлди. Миллий терма жамоамиз илк бор Жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди. Моҳир шахматчиларимиз Жаҳон кубоги мусобақаларида муносиб иштирок этди. Айниқса, навқирон гроссмейстеримиз Жаҳоҳир Синдоров энг ёш жаҳон кубоги соҳиби бўлгани барчамизга юксак ғурур бағишлайди.

Энг муҳими, шахмат оламидаги ютуқларимиз шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Ўтган ҳафтада 9-17 ёшли шахматчилар ўртасида "рапид" ва "блиц" йўналишлари бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз вакиллари 5 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Бу йилги Ёшлар Параолимпиядада жарасорат ва матонат соҳиби бўлган спортчиларимиз 125 та олтин, 77 та кумуш ва 52 та бронза медалини қўлга киритиб, иштирокчи давлатлар орасида энг юқори натижани қайд этди.

Ҳеч шубҳасиз, истеъдодли ўғил-қизларимиз таълим, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган катта ютуқлари билан ҳам Янги Ўзбекистонимиз равангага муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўқувчи ва талабаларимиз жорий йилда халқаро фан олимпиадаларида 51 та олтин, 101 та кумуш, 126 та бронза медалини қўлга киритиб, ўз билим ва салоҳиятини бутун дунёга намоиш қилди.

(Давоми 2-саҳифада.)

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

“РАХТАСҲИ” ГАЗЕТАСИ — 90 ЁШДА!

Пахтачи туманида “Рахтасҳи” газетасининг 90 йиллигига бағишланган маънавий тадбир бўлиб ўтди.

Бугун ахборотни сониялар ичида улашадиган янгиликлар сайти, “Telegram”, “Facebook” каби ижтимоий тармоқлар ўзаро рақобатлашаётган бир пайтда газетада ишлаш — матонат. Бугун илк сони чиққанга 90 йил бўлган “Рахтасҳи” газетасида қалам тебратётган мухбир-у журналистлар ана шундай матонат соҳибларидир.

Негаки, ушбу тахририят аъзолари — муҳаррирдан тортиб мусаҳҳиғача бугун янгича талқин ва дизайндаги аниқ далиллар билан йўрилган, таҳлилий, долзарб мақолалари билан нафақат обуначилар кўнглидан жой олди, балки мамлакатимиз босма оммавий ахборот воситалари орасида ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

Шу каби эътирофлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими ҳамда туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу газетанинг 90 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирда кўп бор таъкидланди. Тадбирда Журналистлар уюшмаси аъзолари, вилоят миқёсида чоп этилаётган газеталар муҳаррирлари, кўшни Навоий вилоятининг “Дўстлик байроғи” газетаси ҳамда уюшманинг Навоий вилояти бўлими аъзолари,



“Raxtaschi” газетасида ишлаган фахрий ижодкорлар ҳамда туман фаоллари иштирок этди.

— Газетамиз 1935 йилда “Учкун” номи билан чоп этила бошлаган, — деди газета муҳаррири Санжар Қурбонов. — Газетага дастлаб Пахтакор район партия комитетининг биринчи котиби А. Ширинхўжаевнинг ўзи муҳаррирлик қилган. Кейинги йилларда Н.Топилов, Х.Муллажонов, С.Хўжаев, О.Жунаидов, Қ.Мизомов, А.Эшмуродов, И.Иброҳимов сингари инсонлар

муҳаррирлик фаолиятларини олиб борган.

1963 йилда Пахтакор ва Нарпай туманлари қўшилиши муносабати билан газета “Пахтакор овози” номи билан чоп этила бошлаган. 1973 йилда Пахтачи тумани ташкил этилгандан буён эса газета “Рахтасҳи” номи билан чиқмоқда.

Тадбир якунида туман ҳокими Қ.Хушбўқов газета фахрийлари ва ходимларига эсдалик совғаларини топширди.

МУЛОҲАЗА

АРРА ТУШГАН ЎША ШОҲДА...

Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимизнинг барча соҳалари бўйича эришилган ютуқлар билан бир қаторда, келажакдаги устувор вазифалар ҳақида атрофлича маъруза қилди. Ушбу маърузада Давлатимиз раҳбари экология ва атроф-муҳитни авайлаб-асраш, муҳофазани қилиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Юртбошимизнинг экологияни ҳимоя қилиш, сув танқислигининг олдини олиш, тежаш, бу борада дунёвий тажрибаларни қўллаш, пойтахт Тошкентда эко-мувозанатни кескин яхшилаш борасидаги фикрлари ҳар бир юртдошимизни, катта-ю-кичикни уйғоқликка чорлаши керак.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда экологик муаммолар, экологик мувозанат масаласи кун тартибидидаги энг оғриқли мавзуга айланди. Аҳоилар шу даражада бориб етмоқдаки, ҳатто тоза ҳаво ҳам танқис бўлиб бормоқда. Ҳар гал шу мавзу ҳақида гап кетганида менинг хаёлимга ўзим гувоҳ бўлган айрим

манзаралар келаверади.

Биринчи манзара. Бизнинг қишлоғимизда одамлар гапладан бўшаган майдонларни фермердан бир мавсум учун маълум маблағ эвазига сотиб олиб, асосан, қизил ловия экишади. Ловияни пўчоғидан ажратиб олиш анча машаққат. Қишлоқ одамлари бунинг ҳам йўлини топишган. Эски темир-терсақлардан қўлбола комбайн ясашди. У трактор ёрдамида ҳаракатга келади ва бирпасда бир тонна маҳсулотни тозалаб беради. Аммо у ишлаётганда ёнига оғиз-буруни ўраб яқинлашасиз. Негаки, комбайндан кўтарилаётган чанг-ғубор шу даражада қуюқки, нафасингиз тиқилиб, ўлиб қолиш ҳам ҳеч гап эмас. Ҳар кун ишдан қайтар эканман, қишлоқнинг ҳали у ер, ҳали бу ерида шу чанг-ғубор осмонга кўтарилади. Комбайн ишлаётган ҳовли атрофида жойлашган уйлар оппоқ чанга беланади. Натижада бу ердаги одамлар оғизига ниқоб тақиб юришга мажбур бўляпти.

Иккинчи манзара. Ҳар йили қишлоқ жойларда гапладан бўшаган майдонларда сомонларни, кеч кўзда эса ҳазон барглари экиш одат тусига киярпти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Бошланғич 1-саҳифада.)

Эл-юртимизнинг фахри бўлган бундай фарзандларимизга, уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийларига яна бир бор чин дилдан таҳсин айтмак.

Маълумки, Ўзбекистон келгуси йили 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига, 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионати, 2029 йилда эса Ёшлар Осиё ўйинларига мезбонлик қилади.

Шу билан бирга, 2026 йилда юртимизда илк бор мактаб ўқувчилари ўртасида нуфузли халқаро кимё ва информатика олимпиадалари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар талабалари ўртасида муҳандислик йўналишларида, Туркий давлатлар техникумлари ўқувчилари ўртасида касб йўналишларида халқаро олимпиадалар ўтказилади. Ушбу мусобақаларда ҳам фарзандларимиз муносиб иштирок этади, деб ишонаман.

Бундай нуфузли тадбирлар Ватанимизни ривожланган спорт ва илм-фан мамлакатига айлантириш, унинг обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилади.

Кейинги пайтда юртимиз глобал масалалар муҳокама қилинадиган халқаро мулоқот майдонига айланган бормоқда. Хусусан, бу йил Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси; ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси; “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” саммити ва халқаро Иқлим форумига мезбонлик қилдик.

Шунингдек, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг март ойида Хўжандада бўлиб ўтган учрашувида биринчи марта уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланиши ҳамда “Абадий дўстлик тўғрисида”ги декларация қабул қилинди.

Минтақамиз давлат раҳбарларининг яқинда Тошкентдаги Маслаҳат учрашуви чоғида биз интеграция жараёнларини янги сифат босқичига кўтариш учун Марказий Осиё ҳамжамияти стратегик форматини ташкил қилиш госясини илгари сурдик. Озарбайжонни Марказий Осиё ҳамжамияти формати тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш тўғрисидаги қарор тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қадам Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида стратегик боғлиқлик ва барқарорликни кучайтириши шубҳасиз.

Шу билан бирга, октябрь ойида Брюсселда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ноябрь ойида бўлиб ўтган Марказий Осиё ва АҚШ саммити кўп томонлама ва узоқ муддатли шериклиги сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди.

Ўтган ҳафтада Токиода Марказий Осиё ва Япония етакчиларининг учрашувида таълим, тиббиёт, рақамли технологиялар, инфратузилма ва sanoat соҳалари бўйича муҳим қелишувларга эришдик. Шу ҳафтанинг бошида эса Санкт-Петербургда Мустиқил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашуви ҳам ҳамкорлигининг долзарб йўналишларини белгилаб берди.

Буларнинг барчаси халқаро алоқаларимизни мазмун жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда.

Биз дунёдаги узоқ-яқин мамлакатлар билан – ШАРБ ва ҒАРБ, ШИМОЛ ва ЖАНУБ билан ҳамкорлик кўприкларини қуришда давом этамиз.

Мухтарам йиғилиш иштирокчилари! Бундан икки йил олдин “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини қабул қилганимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилгача 160 миллиард долларга етказишни белгилаб олган эдик. Қўриб турибсизлар, мавжуд салоҳиятимиз, бугунги ислохотларимиз, тадбиркорларимизнинг фаоллиги, хорижий шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз ўсиб бораётгани ҳисобига бу маррага 2026 йилнинг ўзида бемалол эриша оламиз.

Ҳозирги глобал иқтисодиётда рақобатга чидамли бўлиш учун малакали касб эгалари ва мутахассислар, замонавий технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутмаслик лозим. Агар биз sanoatда – электроника ва электротехника, биокимё ва полимерлар, фармацевтика, машинасозлик каби юқори қўшилган қиймат яратадиган соҳаларни ривожлантириш; хизматларда – IT, sunal интеллект, молиявий технологиялар, консалтинг, транспорт-логистика каби катта даромад келтирадиган сервисларни кўпайтириш; қишлоқ ҳўжалигида – унумдорликни ошириш учун биоинженериядан кенг фойдаланиш, илғор агротехника ва сув тежайдиган усулларни фаол қўллаш; иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун “яшил” энергетика, чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш; таълим ва тиббиётда – сифатни янги босқичга олиб чиқадиган илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш учун янги технологияларни олиб қирсақ, кадрларни илм-фан ва инновацияларга асосланган замонавий касбларга тайёрласак, келгуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажмини 240 миллиард доллардан

оширишга барча имкониятларимиз бор.

Бу рақамлар аниқ ва пухта ҳисоб-китобларга асосланган прогноз. Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли экспертларнинг хулосалари ҳам бунга тасдиқламоқда.

Хурматли юртдошлар!

Биз – бугун 38 миллиондан зиёд катта халқимиз. Машаққатли ва шарафли меҳнатимиз билан дунёда хурмат топаётган, эртанги кунга ишонч билан дадил бораётган, матонатли ва ғурури билан миллатимиз.

Биз ўзгаришларни кутиб яшамаймиз, аксинча, уларни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз.

Ҳар йили аҳолимиз ўртача 2 фоизга ўсмокда, 1 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз катта ҳаётга кириб келмокда. Ёшларимизга қараб, улар эришаётган ютуқларни кўриб, кўксимиз тоғдек кўтарилди, қандай улкан бунёдкор куч сағдимизга қўшилаётганидан ғурурланиб кетамиз.

Албатта, бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, халқимизни янада бирлаштириш ва жипс-лаштиришда, ҳеч шубҳасиз, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти катта.

Маҳалла ва яхши қўшнчилик ўзаро уйғун кадриятлардир. Улар жамиятда инсоний ва ижтимоий капитални янада бойитишга бекиёс ҳисса қўшади. Мамлакатимизда ўтказилган ижтимоий сўровларда иштирок этганларнинг 90 фоиздан кўпроги ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳисоблаши ҳам шундан далолат беради.

Барчамиз учун ҳам ота, ҳам она бўлган маҳаллага, шу асосда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусининг юқорилиги ушбу институт аввало ижтимоий бирдамлик манба эканини кўрсатади.

Албатта, биз учун ҳозирги глобал тараққий даврида, дунёда ўта кескин ва таҳликали жараёнлар ўзи бераётган бугунги кунда миллий бирлик ниҳоятда муҳим ва зарур.

Донишманд боболаримизнинг “Бирлашган – ўзар, бирлашмаган – тўзар”, деган ҳикматли мақоли бор.

Чиндан ҳам, қаранг, кимки бирлашди – ҳаётда ўзди, ғалабага эришди. Кимки бирлашмади – тўзиб, йўқ бўлиб кетди.

Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик. Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкашди бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айна шу руҳда тарбиялашимиз керак.

Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу – демократиянинг бирламчи талаби. Аммо, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улғур бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир.

Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири бекиёс. Чунки маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжихат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, 2026 йилни юртимизда “**Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили**”, деб эълон қилишни тақлиф этаман.

Қўллаб-қувватлаганингиз учун раҳмат.

Янги йилнинг номиде белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш учун алоҳида давлат дастурини қабул қиламиз. Ушбу дастурда юртимиздаги 9 мингдан зиёд маҳаллани, аввало, меҳр-оқибат, ҳамжихатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш каби долзарб масалалар ўз ифодасини албатта топади. Бу ҳақда мен кейинроқ батафсил тўхталиб ўтаман.

Олдимизга қўйган мақсадларни фақат ўзимиз – катта ҳаётий тажрибага эга маҳалла раислари ва фаоллари, хурматли нурунийларимиз, опа-сингилларимиз, серғайрат ёшларимиз, зиёлиларимиз, ишбилармон тадбиркорларимиз, Ватан посбонлари, бир сўз билан айтганда, бутун халқимиз билан биргаликда амалга оширамиз.

Хурматли депутат ва сенаторлар!

Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқдамиз. Бу йулдаги ишларимиз ҳар бир соҳа ва тармоқда чуқур трансформацияни талаб қилади. Мақсадимиз аниқ: яқин йилларда даромади жон бошига ўртадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига кириш.

Фарғона водийсидан Оролбўйигача, Зафаршон воҳасидан Қашқадарё ва Сурхондарёгача, Тошкентдан тортиб Жizzзах ва Сирдарёгача – юртимизнинг қайси ҳудудида яшамасин, ҳар бир фуқаромиз ислохотлар натижасини кундалик ҳаётда янада кўпроқ ҳис қилиши керак. Шунинг учун, кириб келаётган 2026 йил давлат барқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт тармоқлари, таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият, спорт, экология тизимини – барча-барча соҳаларни ривожлантиришда туб бурилиш йили бўлади.

Энди Мурожаатноманинг асосий қисми – 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим 6 та устувор йўналишдан иборат дастур ҳақида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Биринчи устувор йўналиш – маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб киришдан иборат.

Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади. Айна маҳалладаги йўл, сув, электр ва транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларимизга баҳо беради. Шу боис маҳалла тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали биз мамлакатимизни хар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш борасидаги ишларни давом эттирамиз.

Ҳозирги вақтда қайсидир маҳаллада йўл, қайси бирида сув ёки электр масаласи, бошқасида боғча, мактаб, тиббиёт, яна бирида уй-жой билан боғлиқ масалаларга алоҳида-алоҳида ечим берилмокда. Очиқ айтиш керак, бунинг ўзи билан маҳалладаги барча масалалар тўлиқ ҳал бўлиб қолмайди. Шунинг учун келгуси йилдан маҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув жорий этилади.

Ҳар бир вилоятда 2-3 тадан туманни танлаб, улардаги ҳамма маҳаллада барча муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қиладиган тизим яратамиз. Бу янги тажрибани Ургут туманидан бошладик. Туманда 100 минг аҳолига мўлжалланган замонавий экошаҳар барпо этилади. Келгуси йил 544 миллиард сўм ажратилиб, 72 та боғча, мактаб, поликлиника, шунингдек, ички йўллар қурилади ва таъмирланади, каналлар бетон билан қопланади, 2 та сел-сув омбори барпо этилади.

Танлаб олинган 33 та туман ва 330 та шароити оғир маҳалладаги ишлар ҳам шундай ташкил қилинади. Уларда бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик инфратузилмаси ҳам ривожлантирилади. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 8,5 триллион сўм маблағ ажратилади.

Депутатларга ўз округидаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 миллиард сўм, ҳар бир депутатга 3,3 миллиард сўмдан берялмиз. Бу борада “яшил ҳудуд”, “яшил боғ” яратиш бўйича ҳар бир депутатнинг ташаббусига қўшимча 330 миллион сўмдан йўналтирамиз. Бундай ёндашув орқали 2030 йилгача барча туманлардаги маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб қирамиз.

Албатта, бу ишларни самарали ташкил қилиш учун туман бюджети даромадларини камида 2 қарра кўпайтиришга шароит ярати бериш зарур. Шу мақсадда, 2026 йил 1 январдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан тушумнинг Тошкент шаҳрида 5 фоизи, қолган ҳудудларда 20 фоизи қолдирилиб, бу маблағнинг ярми туманлар бюджетига ўтказилади.

Бундан ташқари, даромадларнинг прогнозга нисбатан ошириб бажарилган қисмининг 50 фоизи, экин ерларини ижарага бериш ва бозорлардан тушумлар ҳам тўлиқ туман бюджетига берилади.

Вилоят, туман ҳокимларига самарасиз ва бир-бирини такрорлайдиган штат бирликларни қисқартириб, тежалган маблағни аҳоли ўртага қўйган масалаларни ҳал қилиш учун ажратишга рухсат этилади. Бу орқали туманлар бюджетига йилга 5 триллион сўмлик қўшимча манба шаклланади ва у маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга сарфланади.

Келгуси йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўмини вилоятларнинг ўзига берялмиз. Энг муҳими, бу маблағларнинг ҳар бир сўми аҳолимиз учун қўшилган қиймат яратиши зарур. Шу боис бу пуллар умуман қайсидир туман учун эмас, балки маҳаллада иш ўринлари яратадиган, аҳолини даромадли қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилади.

Марҳамат, қайси маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири лойиҳа қилиб, уни асослаб берса, зарур маблағни олсин. Шунда адолатдан бўлади.

Бу – бюджет маблағларини самарали ишлатишда лойиҳавий ёндашув бўлади.

Урбанизация ва шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича янги ислохотларни бошлаймиз. Жумладан, шаҳарлар тартибсиз кенгайишининг олдини олиш бўйича аниқ мезонларни белгилаймиз ва шу орқали экин майдонлари асосиз қисқариб кетишига чек қўйилади.

Масалан, аҳолиси 250 минг кишидан зиёд шаҳарлар ҳозиргидек тартибсиз кенгайиб кетаверса, 2050 йилга бориб 27 минг гектар экин майдонлари бой берилади. Албатта, бунга йўл қўйиш мумкин эмас.

Шунингдек, республикамизда илк бор 45 та агломерация ҳудудини белгилаймиз. Келгуси йилда “Барқарор шаҳар” платформасини ишга тушириб, “яшаш учун қулайлик индекси”ни юритиш йўлга қўйилади. Бу индекс орқали шаҳарлардаги ҳар бир маҳал-

лага хос муаммолар аниқланиб, уларга мос ечимлар берилади.

Биз камбағалликни қисқартириш масаласини умумийлиги ҳаракатга айлантирдик. Такрор айтман, ўтган даврда 8,5 миллиондан зиёд аҳолини камбағалликдан чиқаришга эришдик.

Асосий мақсадимиз – одамларимизни доимий даромадли қилишдан иборат. Пули бор одам яхши кийиниш ва овқатланишга, сифатли таълим ва малакали тиббий хизматдан фойдаланишга, мазмунли дам олишга, бир сўз билан айтганда, фаровон яшашга интилади.

Муҳими, бу жараёнда тадбиркорларимиз ҳал қилувчи куч сифатида энг олдинги сафда туриб, sanoat ва сервис объектларини ташкил қилиб, доимий иш ўрни яратишда, аҳолига, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касбга ўргатиб, маҳаллаларнинг ўзида ишли ва даромадли қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатмокда. Шунинг учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсатимизни давом эттириб, 2026 йилда асосий солиқ ставкаларини ўзгаришсиз қолдирамиз; тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларига 10 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади; кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 140 триллион сўм ресурс берилади. Шундан 43 триллион сўми хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Бундан ташқари, 2026 йилда “маҳаллада sanoat ва хизмат” лойиҳаси орқали 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш учун 5 триллион сўм кредит берилади. Кредит фойзининг миллий валютасида 10 фоизгача, хорижий валютасида 4 фоизгача бўлган қисми Тадбиркорлик компаниясидан қоплаб берилади. Бунинг учун ҳам бюджетдан 400 миллиард сўм йўналтирилади. Натижада маҳаллаларда 100 мингта янги иш ўрни яратилади.

Ҳар бир маҳаллада 40 тадан микролоиҳани амалга ошириб, 360 минг аҳолини ишга қилиш учун маҳалла банкчилари ва ҳоким ёрдамчиларига 2026 йилда яна 7,5 триллион сўм ресурс ажратилади. Янги йилда маҳаллалардаги аҳолини, хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича уч йиллик дастур қабул қилиб, бунга 1 триллион сўм йўналтирамиз. Маҳалла ёшларининг китобхоналикка бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадига мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 миллион дона бадий адабиётлар билан таъминлаб борамиз.

Ана шундай ишларимиз туфайли 2026 йилда 1 миллион одамни доимий иш билан таъминлаб, 181 минг оилани камбағалликдан чиқарамиз, камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоизга туширамиз, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 3,5 мингтага етказамиз.

Қадрли ватандошлар!

Иккинчи устувор йўналишимиз – иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказишдан иборат.

Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда фақат юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарадиган давлатларгина дунё бозорига ўз ўрнига эга бўлмокда. Шунинг учун иқтисодиётнинг барча соҳаларида юқори самарадорликка эришиш – келгусида ислохотларимизнинг бош мезони бўлиши шарт.

Масалан, sanoatда юқори технологик ва кам энергия истеъмол қиладиган тармоқларни ривожлантиришимиз ҳисобига жорий йилда 1 доллар маҳсулот учун сарфланадиган ёқилғи-энергия миқдорини 13 фоизга камайтиришга эришдик. Биргина шунинг ўзи яна 1 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш имконини берди.

Бу мисол шуни кўрсатадики, қаерда янги технология ва юқори малакали касб эгалари бўлса, ўша тарафда ўсиш, ривожланиш бўлмокда.

Шу боис 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш учун энг жойабдор мамлакатлардан бирига айлантирмокда. Масалан, биз тўққиз йилда барча иқтисодиёт тармоқларига 130 миллиард долларлик хорижий инвестиция олиб келдик. Жорий йилнинг ўзида чет эллик ҳамкорларимиз билан яна 140 миллиард долларлик янги инвестициявий қелишувларга эришдик.

Келгуси йилда 50 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қиламиз. Бундан бунён ҳар бир доллар инвестиция, энг аввало, илғор технологиялар ва уларнинг трансфери; ташқи бозори аниқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга; энергия, сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда самарадорликни оширишга;

маҳаллий ишчиларни янги технологиялар билан ишлашга ўқитиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилиши керак. Янги юқори технология ва янги компетенциялар олиб қирган, экспорт учун ишлаган инвестор энг ишончли ҳамкоримиз бўлади.

Бундай стратегик инвесторларга лойиҳа учун ерлар бозор қийматида тўғридан-тўғри берилади. Ер тоифаси ўзгарганида нобудгарчилик учун тўловни 10 йилгача бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади. Ерни расмийлаштириш, тоифасини ўзгариш, қурилиш ва инфратузилмага улашишга рухсатнома олиш учун инвесторлар идорама-идора юрмайди. Уларга “ягона дарча” тамойили асосида комплекс хизмат кўрсатадиган “invest.gov.uz” электрон платформаси ишга туширилади ва барча вазирликлар бунга уланади.

Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналарга дунёнинг машҳур брендларини жалб қиламиз. Ушбу зоналардаги корхоналар халқаро техник регламентлар, экологик ва меҳнат стандартларини қўллаши мумкин бўлади. Улар учун махсус – имтиёзли инвестициявий, солиқ, божхона ва ҳуқуқий режим жорий этилади ва халқаро ҳуқуқ доирасида арбитраж низоларини кўриб чиқиш имконияти яратилади.

Буларнинг барчаси – келгуси беш йилда 180 миллиард долларлик хорижий инвестиция ҳисобидан 1 миллион юқори даромадли иш ўринларини яратишга хизмат қилади.

Юртимизга инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича ҳам жуда катта режаларимиз бор. Шунинг учун ҳар бир қелишувни лойиҳага айлантириш, сармояларни қисқа фурсатда жалб қилиш ва уларнинг самарадорлигига масъул, фақат ва фақат инвестиция билан ишлайдиган алоҳида янги тизим ташкил этилади.

Бундан ташқари, маҳаллий sanoat ва кооперацияни ривожлантириш бўйича ҳам худди шундай алоҳида тизимни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, иқтисодиётни рақобатдош қилиш, инвестициялар самарадорлигини ошириш, sanoat тармоқларини технологик трансформация қилиш мутлақо янги ёндашувларни талаб этмокда. Бунинг учун Иқтисодиёт ва молия, Инвестициялар, sanoat ва савдо вазирликлари фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилади.

Янги технологик босқичга ўтиш ва қўшилган қиймат занжирини кенгайтириш бўйича sanoatни ривожлантириш дастурини бошлаймиз. Бунда келгуси беш йилда sanoatда қўшилган қийматни ҳозирги 36,5 миллиард доллардан камида 60 миллиард долларга етказишни (ўсиш 1,6 баробар); юқори ва ўртадан юқори технологияли тармоқлардаги маҳсулотлар ҳажмини 2,5 баробар оширишни марра сифатида белгилаймиз. Бунга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 2026 йилда 52 миллиард долларлик 782 та янги sanoat ва инфратузилма лойиҳасига старт берилади.

Келгуси йилнинг ўзида 14 миллиард долларлик 228 та янги йирик қувват ишга туширилади. Масалан, Навоийдаги олтин конларида маъдан қазиб олиш бўйича 320 миллион долларлик лойиҳа (3-навбат) ишга туширилиб, қўшимча 2 миллион тонна маъдан қайта ишланади. Шунингдек, “Мурунгов” конини ўзлаштиришнинг навбатдаги босқичи ҳамда қумуш конлари бўйича 2 миллиард 300 миллион долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилади. Натижада йилга 18 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қуввати барпо этилиб, 2030 йилгача олтин ишлаб чиқариш ҳажми 175 тоннага етказилади.

Яна бир йирик лойиҳа – Олмалик комбинатида қиймат 2 миллиард 700 миллион доллар, қуввати 300 минг тонна мис катодидан иборат бўлган янги металлургия мажмуасини барпо этиш бошланади.

“Самарқанд кимё” заводиде 381 миллион доллар инвестиция ҳисобидан йилга 370 минг тонна фосфорли ва 540 минг тонна мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Қашқадарёда 200 миллион долларлик янги кимё заводи қурилиши бошланади.

Умуман, 2026 йилда кимё sanoatда – 4,5 миллиард долларлик; тоғ-кон металлургия, нефть-газ, автомобилсозлик, тўқимачилик ва қурилиш материаллари тармоқларининг ҳар бирида – 3 миллиард долларлик; электротехникада – 2 миллиард долларлик; фармацевтикада – 800 миллион долларлик янги лойиҳалар бошланади. Шу тараққа 2026 йилда жами экспортимизни 40 миллиард долларга етказиб, тайёр ва ярим тайёр маҳсулот улушини 55 фоиздан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Давоми. Бошланғич 2-саҳифада.)

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан меҳнат унумдорлиги ва энергия самардорлиги бўйича алоҳида лойиҳа амалга оширилади. Ушбу лойиҳага халқаро молия институтларидан 200 миллион доллар кредит ва грант жалб қилиниб, sanoat корхоналари учун хориждан юқори малакали технология ва муҳандислар олиб келинади; бизнес жараёнлари рақамлаштирилади; энергия ва бошқа харажатларни қисқартириш бўйича аудитлар ўтказилади; илғор технологиялар трансфер қилинади.

Бу борада “Тўртинчи sanoat инқилоби маркази” ташкил этилади. Марказ негизда робототехника, интернет буюмлари, “ақлли” фабрика каби “Индустрия 4.0” ечимларини sanoat корхоналарида жорий этиш учун “тартибга солиш механизми” яратилади. Бунда корхоналар янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишдан олдин уларни синовдан ўтказиш имконига эга бўлади.

Аккредитация, метрология ва стандартлаштириш соҳаларидаги ислохотларимиз натижасида Ўзбекистон “Глобал сифат инфратузилмаси” индексида сўнги икки йилда 15 поғона юқорилаб, 185 та давлат ичида 52-ўринга кўтарилди.

Бу албатта яши. Шу билан бирга, маҳсулотларимиз рақобатдошлигини янада ошириш учун техник тартибга солиш соҳасини янги bosqichga олиб чиқамиз. Бунинг учун “Давлат назорати” тизимидан халқаро тажрибада юқори самара берган “Бозор назорати” тизимига ўтамиз. Шунингдек, инновация асосида юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарни рағбатлантирамиз. Улар шундай маҳсулотни ўтган йилга нисбатан оширсан, кўпайган маҳсулот ҳажми қийматининг 5 фоизи миқдорда субсидия берилди. Корхона мутахассисларининг илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларидан олган даромади солиқдан озод қилинади.

Ана шундай ислохотлар орқали келгуси беш йилда sanoatда меҳнат унумдорлиги ҳозирги 16,5 минг доллардан 30 минг долларга етказилади; 1 минг долларлик қўшилган қиймат яратишга кетадиган энергия сарфи 1,5 баробар камайтирилади.

Бу йил IT, молиявий технологиялар, сунъий интеллект каби йўналишлардаги маҳаллий стартапларга хориждан 270 миллион доллар инвестиция жалб қилдик. Кейинги йилдан “Рақамли стартаплар” дастурини кенгайтириб, стартап фойсидан то экспортгача кўмаклашадиган янги тизимни йўлга қўямиз. Бунда хусусий стартап марказлари янги ташкил этиш учун Ёшлар жағмарасидан беш йил муддатга 5 миллиард сўмгача фоизсиз ссуда берилди. Олийгоҳларнинг ўзида қоладиган маблағларнинг 10 фоизи ҳам инкубация марказларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Бундан ташқари, Марказий банкда Молиявий технологиялар офиси ва Инновацион хаб ташкил этилиб, унга Сингапурдан мутахассислар жалб қилинади. Бу орқали йилга 20-30 та молиявий технологиялар стартаплари ташкил бозорга олиб чиқиш, уларга жами 1 миллиард доллар инвестиция жалб этиш имконияти яратилади.

Умуман, венчур фондлар, стартаплар, молиявий технологиялар каби янги молиявий инструментлар бозорини ривожлантириш, бу соҳадаги барча иштирокчилар ҳуқуқларини қонун билан кафолатлаб қўйиш зарур. Бунинг учун парламентимиз ҳукумат билан биргаликда “Муқобил инвестиция жағмаралари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини 1 мартгача ишлаб чиқса, айни муддао бўлади.

Бу йил мамлакатимизда IT хизматлари экспортчи илк бор 1 миллиард долларни ташкил этди. Биз 2030 йилга бориб, IT хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олганмиз. Шу боис жаҳон бозорида рақобатдошликни ошириш учун Рақамли технологиялар халқаро марказини ташкил этдик, IT инфратузилмасига инвестиция киритиш учун қатор имтиёзлар бердик.

Келгуси йилда Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та дата-марказ, 2 та супер компьютер ва 15 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораторияси фаолияти йўлга қўйилади. Бу – тиббиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиги, геология, банк-молия, жамоат хавфсизлиги каби муҳим соҳаларда 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда минглаб иқтидорли ёшларимиз IT ва сунъий интеллект бўйича излашни олиб бормоқда. Уларнинг квант, дрон, робототехника каби йўналишлардаги конструкторлик лойиҳаларини амалиётга табиқ қилиш учун Рақамли технологиялар маркази ташкил этилади. Осиё тараққиёт банки буни қўллаб-қувватлаб, 200 миллион доллар ажратишга тайёрглигини билдирди.

Сунъий интеллект билан ёнма-ён юрадиган космик соҳадаги тадқиқотларни ривожлантириш, йўлдошли алоқа технологияларини жорий этиш борасида ҳам катта қадамлар ташладик. Бу борада 2028 йилда Самарқандда Халқаро астронавтика кон-

рессини ўтказишга пухта тайёргарлик кўряпмиз.

Бугун сизларга яна бир муҳим янгиликни айтмоқчиман. Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор космик соҳада сунъий йўлдош ва мамлакатимиз фуқароси бўлган биринчи ўзбек космонавтини фазога учуриш бўйича ишларни бошладик. Бу – Янги Ўзбекистоннинг илмий ва технологик ривожланишига, умуман, миллий тараққиётимизни янги bosqichga олиб чиқишга катта туртки беради, деб ишонаман.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Маълумки, ишлаб чиқариш ҳам, истеъмол ҳам барқарор ўсиши учун узоқ муддатли маблағ зарур. Шу боис капитал бозорини иқтисодий ўсишни рағбатлантирадиган муҳим институционал устун сифатида белгилаб, глобал депозитарийларни миллий фонд бозоримизга олиб киришимиз керак. Бунинг учун халқаро молия ташкилотлари билан ишлаб чиқилган “Капитал бозори тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасини тез фурсатда қабул қилиш лозим.

Курс тебраниши бўйича хатарларни камайтириш учун маҳаллий компанияларга ички бозорда ҳам хорижий валютада облигация чиқаришга рухсат берилди.

Келгуси йили корхоналаримиз илк бор халқаро бозорларда ҳам акцияларини жойлаштириши мумкин бўлади.

Умуман, капитал бозорини ривожлантириш орқали тадбиркорларга қўшимча 1 миллиард доллар жалб қилиш имконияти яратилади.

2026 йилда яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича ҳам тўб бурилишни амалга оширамиз. Кўрган чора-тадбирларимиз натижасида кузатилмайдиган иқтисодиёт улушини 45-50 фоиздан 28 фоизга пасайтиришга эришдик. Лекин бу ҳали дастлабки қадамлар, холос.

Бу борадаги ишларни қучайтириш учун алоҳида дастур қабул қилдик. 2026 йилда барча давлат хизматлари ва коммунал тўловлар, ёқили, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, автомобил ва кўчмас мулк савгдолари нақдсиз тўлов шаклига ўтказилади; солиқ, божхона, санитария-эпидемиология назорати, стандарт, карантин, қурилиш назорати инспекцияси, ёнғин хавфсизлиги каби 17 турдаги текширувларда “боди-камера”дан фойдаланиш мажбурий бўлади.

“СоЯ”даги иқтисодиётдан ихтиёрий равишда шаффофликка чиқмоқчи бўлган тадбиркорлар бухгалтерия, статистика, солиқ ҳисоботларини юритиш бўйича бепул ўқитилади.

Умуман, дастур доирасида келгуси беш йилда яширин иқтисодиёт улуши 2 карра қисқартирилади; савдо ва сервис соҳаларида нақд пулсиз тўловлар улуши 75 фоиздан оширилади; расмий секторда банд бўлган аҳоли сони ҳозирги 8,5 миллиондан 14 миллионга етказилади.

Бир сўз билан айтганда, “Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон ҳаياتи гарови”, деган шир асосида бу борадаги ишлар умуммиллий ҳаракатга айлантирилади.

Айрим юрtdошларимизда топан даромадини иқтисодиётга йўналтириш, банк депозитига жойлаштириш, активларини ўз номига расмийлаштириш билан боғлиқ хавотирлар бор. Шу боис депутатларимиз ва Марказий банк халқаро ташкилотлар билан маслаҳатлашган ҳолда, фуқароларимиз юртимизда ёки чет элда шу пайтгача олган даромад ва активларидан эмин-эркин фойдаланишига шартин яратиш бўйича тақлифлар тайёрласа, ўйлайманки, тўғри бўлади.

Хурматли парламент аъзолари!

Энди, рухсатингиз билан, **учинчи устувор йўналиш – ички бозорда талабни рағбатлантириш** масаласига тўхталмоқчиман.

Бозорларимиздаги тўқинлик, нарх-наво барқарорлиги, аҳолининг истеъмол талабни ортиб бораётгани – турмуш сифати яхшиланаётганини кўрсатадиган энг асосий омил.

Ички талабни рағбатлантирадиган муҳим факторлардан бири, бу – инфляция даражасидир.

Биз тўққиз йилда қўлай бизнес муҳитини яратиш, товар ва хизматлар ҳажми ва турини кўпайтирганимиз; аҳолини даромадли қилиб, камбағалликни кескин қисқартганимиз; кам даромадли оилалар учун ҳам йилига камида 1 миллиард доллар арзон кредит бераётганимиз; нарх-навоини жиловлаб, инфляция даражасини “бир хонали” рақамга туширганимиз натижасида аҳолининг харид қобилияти 2 карра ўсди.

Биргина мисол, беш йил олдин аҳолиимиз йилига 210 мингта квартира, 600 мингта автомобиль харид қилган бўлса, бу йил 270 мингта уй, 1 миллионга машина сотиб олди. Агар аҳолининг даромади, харид қобилияти ошмаганида, биргина кўчмас мулк ва автомобиль бозори 20 миллиард долларга етарми?

Ўтказилган сўровлар ҳам, халқаро экспортлар таҳлиллари ҳам 75 фоиз аҳолининг молиявий ҳолати кескин яхшиланганини тасдиқламоқда. Албатта, бу натижадан билан чекланиб қолмасдан, халқимизнинг даромади ва харид қобилиятини ошириш бўйича ишларни изчил давом эттирамиз.

Таҳлилларга кўра, аҳоли даромади 10 фоизга кўпайса, истеъмол 8 фоизга ошади. Бу – янги маҳсулот ва хизматларга талаб, дегани, бу – қўшимча қувватлар, қўшимча иш ўрни, дегани.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисодиётда энг катта талаб яратадиган уй-йипотекасида 2026 йилда 23 триллион сўм ресурс ажратамиз. Уй-жой сотиб олишда бошланғич тўлов ва фойз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 2 триллион 700 миллиард сўм субсидия берилади. Шунингдек, битта квартира учун ажратиладиган имтиёзли ипотека кредити миқдори 15 фоизга оширилади. Келгуси йилда 140 мингта квартираларни кўп қаватли уй-жой барпо этилиши рўзгор учун зарур истеъмол товарларига талабни ошириши табиий, албатта. Бу талабни молиявий манбалар билан таъминлаш мақсадида 2026 йилда жорий йилги 104 триллион сўм ўрнига 125 триллион сўмлик истеъмол кредити ажратилади.

Умуман, 2026 йилда қурилиш ишлари ҳажмини 11 фоизга кўпайтириб, 30 миллиард долларга етказишни режа қилаямиз.

Бунинг иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатишини ҳисоблаб кўрайлик. Қурилиш материали, уй-рўзгор учун тўқимачилик маҳсулотлари, электр техникаси, мебелсозлик каби тармоқлар, ушбу объектларга хизмат кўрсатадиган сервис соҳалари учун қўшимча 5 миллиард долларлик бозор бўлади. Бу – 300 мингта қўшимча янги иш ўрни дегани.

Аҳоли даромади кўпайгани хизматларга талабни оширади, сервис соҳаси иқтисодиётнинг “драйвери”га айланиши учун катта туртки бermoқда. Бу йилнинг ўзида хизматлар ҳажми қарийб 15 фоиз ўсиб, 82 миллиард долларга етди.

Хизматларга бўлган талабни рағбатлантириш учун 2026 йилда соҳага 85 триллион сўм кредит, 9 триллион сўм субсидия ажратамиз. Хусусан, таълим хизматлари учун бюджетдан 7 триллион сўм берилди.

Кейинги беш йилда хорижий туристлар сонини 2 карра – 11 миллион нафардан 20 миллион нафарга ошириш, туризм хизматлари ҳажмини эса 20 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олимпиамиз. Шу мақсадда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаямиз. Самарқандда Библихоним, Регистон мажмуалари, Амир Темури мақбараси, Улугбек расадхонаси, Шоҳи Зинда ва Афросиёб музейини бир-бири билан боғлайдиган замонавий йўллар ва кўприклар барпо этилади.

Шахрисабзда “Фелон” йирик туристик мажмуасининг биринчи bosqichini ишга туширилади. Поп туманида “Арашан” тоғ-даш туристик зонаси ташкил этилади. Хивадаги Ичанқалъани иммерсив, яъни, “жонли” ва “ақлли” музей-шаҳарга айлантирамиз. Хоразм ва Қорақалпоғистондаги археологик ёдгорликлар бўйлаб йирик туризм ҳалқаси ташкил этилади.

Шунингдек, янги йилда тадбиркорлар томонидан 4 миллиард долларлик 3,5 мингдан зиёд янги сервис объектлари ишга туширилади. Туризм масканларини ташкил қилиш учун келгуси уч йилда 5 минг гектар ер аукционга чиқарилади.

Бундан ташқари, 2026 йилдан “Ўзбекистон мероси меҳмонхоналари” дастурини бошлаймиз. Маданий мерос объектларида хусусий шериклик асосида “бутик меҳмонхона” ташкил қилиш учун нуфузли меҳмонхона тармоқлари олиб келинади. Дастур иштирокчиларига ер, мулк, фойда солиқлари ва божхона тўловы бўйича имтиёз берилди.

Мана шу ишлар ҳисобига 2026 йилда хизматлар бозорини 100 миллиард доллардан оширамиз.

Туристлар оқими тобора ошаётгани авиация ва темир йўлда йўловчи ташиш қувватини 2 баробар кўпайтиришни тақозо этмоқда. Шу боис 2026 йилда авиалардаги ҳаво кемалари сонини 105 тадан 120 тага етказамиз. Маҳаллий авиақатновлар сонини ошириш учун субсидиялашнинг янги тизими жорий этилади.

Энди, нархидан қатъи назар, сотилган ҳар бир чипта учун аниқ миқдорда субсидия ажратилади. Бу – чипта нархини пасайтириш ва талабни оширишга хизмат қилади.

Шу билан бирга, янги самолётларимиз учун учувчилар, уларга техник хизмат кўрсатувчилар, аэропортлар учун сервис ва бошқарув соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Фуқаро авиацияси университетини ташкил этилади.

Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан 6 та тезюрар поезд олиб келамиз. Бунинг биринчи таркиби яқин кунларда келади.

Умуман, ички темир йўлларни ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Шаҳарларни тезюрар поездлар қатнови билан боғлаш учун 2026 йилдан яна 500 километр темир йўл қуришга киришамиз. Келгуси йили 110 километр темир йўл тармоғи қурилиб, Бўка, Пискент, Бекобод, Боевўт туманлари ҳамда Нурафшон шаҳри пойтахт билан боғланади. Тошкент – Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлар учун янги темир йўл

линияси қуришни бошлаймиз. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Навоийдаги вокзаллар ҳам хусусий шериклик учун берилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таҳлилга кўра, сифатли йўллар иқтисодиётимизнинг камида 2 фоиз ўсишига туртки беради.

Автомобил йўлларининг сифатини яхшилаш, транзит салоҳиятини янада ошириш мақсадида беш йиллик дастур амалга оширилади. Бунда Андижон билан Қўнғиротни, Тошкент билан Термизни, Самарқанд билан Шахрисабзни, Олот билан Сарийосиёни боғлайдиган, узунлиги 4 минг километр магистрал йўлларни халқаро талабларга мос “автобан”ларга айлантирамиз.

2026 йилнинг ўзида Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё худудидан ўтган умумий фойдаланишдаги 300 километр йўлларда реконструкция ишлари якунланади.

Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Андижон, Тошкент – Бўстонлик, Пўнғон – Наманган ва Қарши – Шахрисабз йўналишида юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган 800 километр йўллар қурилишига катта тайёргарлик кўриб, ҳамкорларни белгилаб олдик.

Тошкент – Самарқанд йўлининг қурилиши март ойидан, қолган йўллар бўйича амалий ишлар эса 1 июлдан кечиктирмасдан бошланади. Яна 1 минг 200 километр йўллар 2030 йилгача халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда қайта қурилади.

Энди йўлларни лойиҳалаштиришда аҳолининг фикри, транспорт қатновининг атраф-муҳитга таъсирини инобатга олиш, пиёдалар учун “тўсиқсиз” муҳит яратиш бўйича қатъий талаблар қонун даражасида мустаҳкамланади.

Йўл қурилишига илғор технология ва стандартларни жорий этиш устувор тамойил сифатида белгиланади. Парламентимиз “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишга йўлларни режалаштириш тизимини назарда тутса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Аҳолининг даромади, хорижий туристлар оқими тобора ортиб бораётгани келгуси беш йилда озик-овқатга бўлган талабни 1,5 карра оширади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ҳозирги 40 миллиарддан 60 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра оламиз.

Икки ҳафта олдин аграр соҳа вакиллари билан учрашиб, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни янги технологиялар асосида ошириш бўйича барча масалаларни ечими билан муҳокама қилиб олдик.

Умуман, янги йилда қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун 52 триллион сўм ажратамиз.

Озик-овқат маҳсулотларини халқимизга барқарор нархда етказиб бериш ҳам тўлиқ ислоҳ қилинади. Бозорларимизни асосий озик-овқат маҳсулотлари билан йил – ўн икки ой барқарор нархда таъминлаш учун 2026 йилдан доимий интервенция тизимига ўтамиз. Худудлардаги “Озик-овқат жағмаралари”га ажратиладиган ресурсни 2,5 баробар кўпайтириб, 500 миллиард сўмга етказамиз. Шунингдек, мевасабзавотга ихтисослашган 1 мингта маҳаллада сиғими 100 тоннагача бўлган кичик совиткичли омборлар барпо этилади.

Бу ишларимиз келгуси йил инфляция даражасини 6-6,5 фоизга туширишга хизмат қилади.

Муҳтарам ватандошлар!

Касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш – келгуси йил учун дастуримизнинг тўртинчи устувор йўналишидир.

Ҳозирги вақтда янги технологиялар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида дунёда иш ўринларининг сони, шакли ва мазмуни кескин ўзгармоқда. Яқин беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилади, 50 фоизи бўйича эса янги малакалар талаб қилинади.

Бу жараёнлар бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Sanoatда – автоматлашган линиялар, аграр соҳада – ақлли технологиялар, транспортда – интеллектуал бошқарув кундалик ҳодисага айланиб бermoқда. Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида – касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур.

Мутахассисларнинг фикрича, болада бир-бир касбга қизиқиш 7-синфдан бошланиб, қайси касбни танлаши 9-синфда тўлиқ маълум бўлади. Шу боис 9-синф битирувчиларини фанларни ўзлаштириши ва касбий қизиқишига қараб саралаб олиш тизимини жорий қиламиз. Бунда олийгоҳларга кириш истагида бўлмаган ёшлар техникумларга юборилади.

Яқинда техникумларга замонавий қиёфа ва янгича муҳит олиб кириш бўйича беш йиллик дастурни тасдиқладик.

Менинг ниятим – ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар бўйича дунёда рақобатдош бўлсин, керак бўлса, бошқалардан бир поғона устун турсин. Ушбу мақсадга эришиш йўлида касбий таълимнинг энг муҳим бўғини

бўлган техникумларни янги сифат bosqichga олиб чиқамиз. Бунинг учун, 2026 йилдан бошлаб, ҳар йили камида 100 тадан техникумни тўлиқ таъмирлаб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаб борамиз. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Корея каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сонини 100 тага етказамиз.

Бугун сизларга яна бир янгиликни етказмоқчиман: 2026 йилда 7 та вилоятда, 2027 йилда эса қолган худудларда Илғор касбий маҳорат техникуми ва “Касблар шаҳарчаси” фаолияти йўлга қўйилади. Бунда Илғор касбий маҳорат техникумлари худуддаги бошқа техникумлар учун методик ва амалиёт базаси сифатида фаолият юритса, “Касблар шаҳарчаси” – мактаб ўқувчиларини қурилиш, сервис, қишлоқ хўжалиги, sanoat, транспорт, “яшил” энергетика каби соҳалардаги замонавий касбларга йўналтиришга хизмат қилади.

Бу тизимни мамлакатимизда уч йил олдин йўлга қўйиб, ўқувчилар қамровини 15 фоизга етказдик.

Бугун автомобилсозлик, “яшил” энергетика, қурилиш, транспорт, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, туризм, сервис, IT каби йўналишларда 70 мингга яқин ўқувчи “дуал таълим” асосида ўқиб, ойига 10 миллион сўмгача маош олмақда.

Энди техникум ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни янги bosqichga олиб чиқамиз. Хусусан, “дуал таълим” асосида ўқитишни самарали ташкил қилган корхоналарга 7 йил муддатга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади; тадбиркорлик рейтингини кўшишга 5 балл берилади; корхоналар бўлиш олган техникум битирувчи учун 1 фоизли ижтимоий солиқ имтиёзи яна уч йилга узайтирилади.

Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб техникумларда таълим олаётган 100 минг ўқувчи илк бор стипендия тўланади; “аъло” баҳоларга ўқиб ўтган, танлаган касбини пухта эгаллаётган фарзандларимизга эса оширилган миқдордаги стипендиялар берилди.

Иқтисодиётнинг устувор йўналишлари учун юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрларни тайёрлашга эътиборни қучайтиришимиз зарур.

Жиззах политехника институтини Венгриянинг нуфузли “Обуда” университети бошқарувига бериш бўйича қарор қабул қилдик. Яқинда Японияга ташрифимиз давомида Ўзбекистонда “Цукуба” миллий университети билан ҳамкорликда аниқ фанлар бўйича янги олийгоҳ ташкил қилиш ҳақида келишиб олдик.

Биз бу тажрибани давом эттириб, аниқ фанлар ва техника йўналишидаги олийгоҳларимизга дунёнинг энг нуфузли университетларини жалб қиламиз.

Яна бир масала – меҳнат бозорига йилига 300 минг олий маълумотли кадрлар кириб келмоқда. Энди олийгоҳ битирувчилари ва иш берувчилар ўртасида кўприк бўлиб хизмат қиладиган рақамли экотизим яратамиз. Унда талабаларнинг академик кўрсаткичлари ва корхоналардаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар онлайн тарзда қўйилиб туради. Ушбу экотизим битирувчи курс талабалари учун ўзига мос иш топиш, корхоналарга эса малакали кадрларни жалб қилиш имконини беради.

Бу йил соғлиқни сақлаш ходимлари билан икки марта учрашиб, қўриб чиқилган барча масалалар бўйича алоҳида ҳақда фармон ва қарорлар қабул қилдик.

Тиббиёт тизимида ҳам касбий таълимни ривожлантириш учун Англиянинг “Pearson” компанияси билан ҳар бир худуддаги биттадан техникумда халқаро стандарт асосида ҳамширалар тайёрлаш бошланди. Энди ана шу техникумларга Германия, Швейцария, АҚШ, Япония каби давлатларнинг таълим дастурлари ҳам жорий этилади. Шу асосда халқаро талабларга жавоб берадиган, хорижий тилларни биладиган ҳамширалар таркибини шакллантирамиз.

Кенг қўламли ислохотларимизни соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича ҳам жадал давом эттирамиз. Тиббиёт муассасаларини ягона ёндашув асосида ташкил этиш учун “мастер режа” ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, инфаркт, инсульт, онкологик, нефрологик каби юқумли бўлмаган касалликларни даволаш ҳамда трансплантация, вакцинация, она-бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишларига ўтган йиллардан 1,5 баробар кўп – 3,5 триллион сўм ажратамиз.

Қадрли дўстлар!

Экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бешинчи устувор йўналишимиздир.

Йирик корхоналарга филтър, тозалаш иншооти ва ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни мониторинг қилиш станцияси ўрнатиш учун биринчи bosqichda 100 миллион долларлик кредит линияси очилади.

Келгуси йили Самарқандда Глобал экологик

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

(Даъвои Бошланиш 3-саҳифада.)

Ушбу тadbирлар тармоқлар, худудлар ва бизнес учун ҳамкорлар топиш, янги экологий-халарни биргаликда бошлашга катта имконият яратди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 2 мингга яқин кўмир ва газда иситиладиган иссиқхона бор. Улардан ҳавога йилга 137 минг тонна зарарли модда чиқади. Энди кўмирда филтрасиз ишлайдиган қозонхоналардан воз кечамиз. Уларни пойтахт атрофидан кўчириб, ҳамма жойда марказлашган қозонхоналар орқали иситишни йўлга қўямиз. Шу мақсадда 200 гектардан кам бўлмаган агропарклар ташкил этилади, уларнинг таркибига ўтадиган иссиқхоналарга алоҳида субсидия берилади.

Шаҳарларимиздаги тирбандликлар нафақат одамлар ҳаётини қийинлаштирмакда, балки экологияга ҳам жиддий зарар етказмакда. Шу боис дунё тажрибасидан келиб чиқиб, автомобиллар чиқараётган зарарли моддалар даражасига қараб, экологик стикерлар тизими жорий этилади. Катта миқдорда зарарли моддалар чиқарадиган автомашиналарнинг пойтахт ва вилоят марказлари ҳамда шаҳарларга кириши чекланади. Бундай транспорт воситаларини янгисига алмаштириш ёки уларга филтър ўрнатиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади.

Бунинг учун алоҳида Жамғарма ташкил қилинади. Эски машинасини алмаштириш билан деганларга автокредит фоинзининг бир қисми қўллаб берилади. Филтър ўрнатиб, зарарни камайтиришга тайёр бўлган ҳайдовчилар учун ҳаражатларининг бир қисми бўйича субсидия ажратилади.

Азим пойтахтимиз ва йирик шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш устувор вазифамиз бўлади. Шаҳар кўчаларида автобус ва таксилар учун махсус йўлаклар қўлайтирилади. Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида транспорт ҳаракатини интеллектуал светофорлар орқали бошқариш тизими жорий этилади.

Экологик автомобилларни қўлайтириш бўйича беш йиллик дастурни амалга оширамиз. Бунда маҳаллий электромобилларга 12 фоизли, хорижий электромобилларга эса 16 фоизли автокредитлар ажратилади.

Электромобилларни қувватлаш станцияларини ташкил қилиш учун тadbиркорларга 10 фоизли имтиёзли кредитлар берилади; ерларни аукциондан 2 қарра арзон нархда сотиб олиш имконияти яратилади.

Электромобилларни қувватлаш станцияларида автомобилларни зарядлашда 1 киловатт-соат электр энергиясини нархининг 300 сўмдан ошган қисми давлат бюджетидан қўллаб берилади.

Электромобилда такси хизмати кўрсатадиган фуқароларга ҳам бир қатор имтиёзлар берилади.

Энг асосийси, бу ишларни тўғри йўлга қўйиб, пойтахтимиз, вилоят марказлари ва йирик шаҳарлар фақат этранспортлар ҳаракатланадиган худудга айланади.

Чанг-тўзонларнинг олдини олиш учун Сурхондарёда 10 минг гектарда "яшил макон" ва Сирдарёда 84 километри "яшил девор" барпо этилади. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоийда жами 250 минг гектар, Жумоладан, Оролнинг қуриган тубида 115 минг гектар ерда дарахт ва буталар экилади.

Ҳар бир худудда ботаника ва дендрология болгари ҳамда 20 тадан соя-салқин сайр кўчалари барпо қилинади.

Корхоналарда экостандартларни жорий қилиш учун келгуси беш йилда камиди 30 минг нафар экология менежерига талаб пайдо бўлади. Шунинг учун 2026 йилда ҳар бир худудда "яшил" техникумлар ташкил этилиб, дуал таълим асосида йилга 10 минг мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилади.

Янги йилда Марказий Осиё Яшил университетини фаолиятини кенгайтирамиз.

Ҳаво, сув ва тупроқ сифатини аниқлаш имконини берадиган комплекс лабораториялар ташкил этилади. Шаҳарларда табиий вентиляцияни кучайтиришга қаратилган тadbир-қўллар ўтказилади.

Умуман, экология соҳасига 2026 йилда 1 триллион 900 миллиард сўм йўналтирилади. Сўнги беш йилда 6 минг мегаваттлик қуёш, шамол ва гидроэлектр станциялари ишга туширилди, умумий генерацияда "яшил" энергиянинг улуши 30 фоизга етди.

Яқинда ҳамкорларимиз билан жами 3,5 минг мегаваттлик 4 миллиард 200 миллион долларлик янги "яшил" қувватлар қурилишига старт бердик. Бу ишларимиз орқали 2026 йилнинг ўзида 7 миллиард куб метр табиий газ тежалани ва ҳавога 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

Муҳтарам ватандошлар!

Дунёда сув танқислиги муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис ислохотларимизнинг илк кунларидан совдан оқилана фойдаланишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик.

Муҳтарам ватандошлар! Дунёда сув танқислиги муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис ислохотларимизнинг илк кунларидан совдан оқилана фойдаланишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик. Бундан буён давлат харидларида товар, иш ва хизматларни тўғридан-тўғри сотиб олиш мумкин бўлган ҳолатлар фақат қонун билан белгиланади.

Хабарингиз бор, конституциявий ислохотларимиз доирасида вилоят ҳокимлари ва

нологиялар қамрови 61 фоизга ёки 2,6 миллион гектарга етказилади. Натижада йилга 2,5 миллиард куб метр сув тежалани, 200 минг тонна буғ ва газ камайтирилади.

Умуман, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш тadbирларига 2026 йилда жами 3 триллион 300 миллиард сўм йўналтирилади.

Шунингдек, 1 минг 300 километр йирик магистрал каналлар бетон билан қопланади. Бунинг учун бюджетдан 3 триллион сўм сарфланади. Бу қўшимча равишда йилга 500 миллион куб метр сувни иқтисод қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, жойлардаги очик дренаж ва коллекторларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича алоҳида дастур қабул қиламиз. Ушбу мақсадларга дастлабки босқичда 2026 йил учун 100 миллион доллар ажратамиз.

Каналларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича ҳам катта лойиҳаларни бошлаймиз. Қашқадарёдаги "Пахтаобод" каналини босимли қувурга ўтказиш бўйича 134 миллион долларлик лойиҳа бу борадаги биринчи қадам бўлади.

Булор орқали қўшимча равишда 20 минг гектар экин ери очилади, яна 25 минг гектар майдон қафоллати сув билан таъминланади.

Айни вақтда пойтахтимиз, вилоят марказлари ва шаҳарларда "яшил" худудларни қўлайтириш учун сўғориш, дренаж тизимларини қайта тиклаш зарур. Бир сўз билан айтганда, шаҳарларнинг барча кўчаларидаги ариқларда сув айланishi керак. Бунинг учун 160 миллион долларлик катта дастур доирасида Тошкент шаҳрида 150 километр ёпиқ дренаж тизими барпо этилади, 197 километр канал ва коллекторлар таъмирланади; 63 километр янги каналлар барпо қилиниб, шаҳарда салқин микроклим яратилади.

Бошқа худудлар раҳбарлари ҳам четдан камиди 20-25 миллион доллар маблағ олиб келиб, келгуси йилдан вилоят марказлари ва йирик шаҳарларда бундай лойиҳаларни бошлайди.

Хурматли депутат ва сенаторлар! **Олтинчи устувор йўналишимиз бўлган замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислохотларимизни давом эттирамиз.**

Авалло, 2026 йилдан бошлаб Электрон ҳуқуқат платформаси тубдан янгиланади. Энди барча давлат идораларининг 1 мингдан зиёд давлат хизматлари; 5 мингдан ортиқ функция ва вазифалари; 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими; 100 мингдан зиёд давлат хизматчисининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидаги ваколатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилинади.

Платформага келиб тушган муурожаатлар, уларни ижрочиларга тақсимлаш ва кўриб чиқиш мuddатини назорат қилиш сунъий интелект орқали амалга оширилади.

Содда қилиб айтганда, маҳалладан тортиб республика даражасида ҳал бўладиган ҳар бир масаланинг ижросида, мuddати, ресурси бир жойда кўриниб туради.

Энг муҳими, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилисиз, коррупция ва ортиқча бюрократиядан холи экотизим яратамиз. Давлат хизматларини проактив ва жамланма шаклда кўрсатиш тизимини ривожлантирамиз.

Оддий сўзлар билан тушунтирам, янги уй қурган фуқаро кадастр ҳужжатини олиш учун муурожаат қилса, янги платформа сув, электр ва газга уланishi масаласини ҳам шу заҳоти ҳал қилиб беради. Бундай хизматлар 2026 йилда 100 тага етказилади.

Ш.Шерматов, А.Тошқулов, У.Хусанов келгуси йилда Наманган, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри, шунингдек, улардаги туман ва маҳаллаларда қурилиш, адлия, олий таълим, солиқ идоралари ва уларнинг вилоят, туман бўлимларида ушбу платформани тўлиқ синовдан ўтказиши шарт.

Ҳар бир ваазир, тармоқ раҳбари ва ҳокимлар ҳам янги йилда худди шундай ишларни ўз туманидаги тизимда йўлга қўйишни бошлаши, давлат хизматларини аҳолига янада яқинлаштириш бўйича қаттиқ ишлаши зарур.

Хурматли йиғилиш қатнашчилари! Бугунги кунда Олий Мажлисимиз энг кучли парламентларга хос бўлган барча назорат ваколатларига эга. Хусусан, 2023 йилдан буён ташқи қарз миқдорини парламентимиз белгилаб келмоқда.

Энди давлат қафоллати остида ташқи қарз олиш масаласини маъқуллаш ҳам парламент ваколатига ўтказасан, нима дейсизлар? Қўллаб ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар фикрини ўрганиб, 2026 йил 1 январдан давлат харидларида очик, шаффоф ва адолатли тизим яратаямиз. Бу – тadbиркорларимизга 300 триллион сўмлик қафоллати бозорда ўзларнинг товар ва хизматлари билан фаол иштирок этишлари учун катта имкониятлар эшигини очди.

Бундан буён давлат харидларида товар, иш ва хизматларни тўғридан-тўғри сотиб олиш мумкин бўлган ҳолатлар фақат қонун билан белгиланади.

Хабарингиз бор, конституциявий ислохотларимиз доирасида вилоят ҳокимлари ва

маҳаллий кенгашлар раислари лавозимларини бир-бириндан ажратган эдик. Энди бу тизим 2026 йил 1 январдан 208 та туман ва шаҳарда ҳам йўлга қўйилади. Айни пайтда ушбу жиддий сиёсий ислохот – ҳокимлар ва ижро идораларидан Кенгашларга муносабатни мутлақо ўзгартиришни талаб қилади.

Бундан буён депутат сўровлари ижроси ҳар чорақда таҳлил қилиниб, сусткашликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритилади.

Ислохотлар самарадорлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли муҳим.

Шу боис уларни қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсат келгусида ҳам изчил давом эттирилади. Хусусан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича беш йиллик стратегия ишлаб чиқилади. Ушбу институтларга ижтимоий буюртма бериш тизими рақамлаштирилиб, молиялаштириш ҳажми 2 қарра оширилади.

Бундан ташқари, хайрия ташкилотларини тузиш тартиби соддалаштирилади, ҳисобдорлик ва шаффофлик механизмлари такомиллаштирилади.

Такрор айтаман, юртимиздаги кенг қўллаб-қувватлаш даврида очиклик сиёсатидан ҳеч қачон ортага қайтмаймиз. Сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Муҳтарам депутат ва сенаторлар! Суд-ҳуқуқ тизимини халққа яқинлаштиришга қаратилган ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Биз одил судлов жараёнини "рақамли суд" концепцияси асосида ташкил этишни бошладик. Энди терговни ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирамиз. Бунда жиноят ҳақидаги ариза қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишгача бўлган босқичларга сунъий интелект технологиялари жорий этилади ва инсон омилли қисқартирилади.

Юртимизда тергов судьялари иш бошлагани – халқро тан олинган "Хабеас корпус" институтини қўллашнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. 2026 йилдан тергов судьялари санкция ва мажбурув чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатларини ҳам берамиз. Одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ва ролини ошириб борамиз.

Энди жиноят процессига инглиз ҳуқуқидаги давлатларда ижобий натижа берган "халқ вакиллари ҳайъати" институти босқичма-босқич жорий этилади. Бунда ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб бўлаётган жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқиши суд ҳукмининг янада адолатли бўлишига хизмат қилади.

Суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминламай туриб, фуқаро ва тadbиркорлар ҳуқуқининг ишончли тикланишига эришиб бўлмайди. Шу боис мажбурий ижро жараёнига самарали муқобил механизмларни ҳам киритамиз. Натижада соҳага сунъий интелект жорий этилиб, келгуси икки йилда ижро ҳаракатларининг 30 фоизи инсон омилисиз амалга оширилади.

Кўраясизлар, шиддат билан ўзгараётган дунёда гиёҳвандлик хавфи аҳоли генофонди учун энг катта таҳдидга айланиб бормоқда. Афсуски, бугунги глобаллашув даврида бундай хавф-хатар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмапти.

Бу йил 14 мингдан зиёд гиёҳвандлик жинояти қайд қилинган. Уларнинг 3 мингга яқинини ёшлар содир этгани барчамизни жиддий ўйлантириши керак.

Наркотик савдолари трансчегаравий ва виртуал характерга эга бўлиб бормоқда. Бу эса жиноятларни аниқлашда янги усулларни қўллашни, замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашни талаб қилмоқда.

Яқинда ушбу масала бўйича Миллий дастур қабул қилдик. Энди наркожиноятларга қарши курашишни умумимиллий ҳаракатга айлантириб, жамиятда бу иллатга муросасиз муҳит яратамиз.

Ким бу вазифа фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши, деб ўйласа, хато қилади. Юртимиздаги ҳар бир бола, ҳар бир ёш – бизнинг фарзандимиз, уларни гиёҳвандлик чангалига ташлаб қўйишга асло йўл қўймаймиз.

Гиёҳвандликни таг-томири билан буткул йўқотиш, ёшларимизда кучли маънавий-руҳий иммунитетни шакллантириш бўйича барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз.

Наркожиноятларга қарши курашиш бўйича республика ишчи гуруҳи давлат идораларининг бор куч ва имкониятларини ишга солиб, келгуси йилда наркотикларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш каналларига чек қўйиш бўйича янги тизим яратсин.

Бу – Президентнинг топшириғи, бу – ота-оналарнинг хоҳиш-истағи, бу – жамиятнинг талаби! Тинчлик ҳукм сурган, қонун устувор бўлган, фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланган жойга инвестиция ҳам келади, бу ерда туризм ҳам ривожланади. Лекин сўнги пайтларда ўзини қонундан устун қўйган, тadbиркорларга босим қилиб, уларнинг бизнесини эгаллаб олишга ҳаракат қилаётган, иқтисодиётимизга жиддий путур етказди-

ган мураккаб молиявий жиноятларни содир этаётган, ўзини "қози" деб ҳисоблаб, одамлар ўртасидаги олди-берди масалаларини ҳал қилиб юрган айрим жиноий тўдалар ҳам кузатилмоқда.

Энг ачинарлиси, "осон пул топаман", деган илинжда билагида кучи бор айрим спортчилар ҳам бундай жиноий тўдаларга қўшилиб қолмоқда.

Яна бир ёмон жиҳати – Ўзбекистон фуқароларидан иборат жиноий гуруҳлар айрим чет давлатларда ҳам мавжудлиги юртимизнинг халқро обрўсига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳамма эшитиб олсин: бундай жиноий тўдалар фаолиятига чек қўйишга куч-қудратимиз етади ва буни албатта қиламиз!

Ўзбекистонда – фуқароларимиз, тadbиркорларимиз ва инвесторларни ҳар қандай вазиятда ҳам ишончли ҳимоя қиладиган давлат бор, Конституция бор, қонунлар бор!

Хотин-қизларнинг кадр-қимматини жойига қўйиш, фарзандларимизни ҳимоя қилиш – қадим-қадимдан эркаклар учун шаън ва гурур масаласи бўлиб келган. Лекин жамиятимизда аёллар ва болаларнинг турли зўравонликларга учраётгани буюк тарих, юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган, оилани муқаддас деб биладиган халқимизга асло ярашмайди.

Сўнги икки йилда аёллар ва болаларга нисбатан оилавий зўравонлик ҳолатлари бўйича 2 мингдан зиёд жиноят аниқланган.

Ҳеч қачон унутмайлик, оилавий зўравонлик – бу фақат оиланинг ички иши эмас, бу – бутун жамиятга тегишли масала. Аёлни ўз муаммоси билан ёлғиз ташлаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йў!

Аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши барча давлат идоралари ва кенг жамоатчиликни сафарбар қилган ҳолда, бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш бўйича самарали ишлайдиган тизим яратсин.

Парламентимиз, фуқаролик жамияти институти ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этса, албатта натижа бўлади.

Такрор ва такрор айтаман. Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид.

Коррупцияга йўл қўйиш эса – ислохотларимизга хиёнатдир. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда "фавқулодда ҳолат" эълон қиламиз.

Барча идораларда комплаенс ва коррупция қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозими жорий этилади. Ҳисоб палатасининг вакили фаолияти йўлга қўйилади. Ушбу раҳбарлар тизимдаги нопок шахсларни аниқлаш, шунингдек, бюджет маблағи талон-торож бўлиши ва мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан назорат ўрнатади ва Президент олдида ҳисобот беради.

Давлатнинг ҳар бир сўм маблағи, ресурси бўйича шахсий жавобгарлик кучайтирилади. "Лавозимим, унвоним бор, менга ҳеч ким теғмайди", деганлар адашади. Қонун олдида ҳамма тенг!

Ички ишлар, прокуратура, солиқ, божхона, молия, банк, йирик давлат компаниялари, вазирлик ва ҳокимликлар, бир сўз билан айтганда, бирорта идора ва ташкилот назоратдан четда қолмайди.

Комплаенс хизматининг фаолиятига тўсиқлик қилганлар – коррупцияга шерик, деб баҳоланади ва жавобгарлик шунга мос ҳолда бўлади.

Президент Администрацияси Комплаенс хизмати бу тизимни 1 январдан бошлаб барча давлат идоралари ва ташкилотларида ишга тушириб, жиловни маҳкам қўлга олсин.

Мансабидан қатъи назар, порахўрлик ва суиистеъмолчилик бўйича ҳар бир ҳолат юзасидан Президент Администрацияси Комплаенс хизмати шахсан менга ахборот кириштириб боради.

Хурматли мажлис иштирокчилари! Жаҳонда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий муаммолар тобора авж олиб бормоқда. Бундай мураккаб вазиятда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва конструктив муносабатларни янада мустаҳкамлаш, вазмин ва оқилана очик ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган фаолиятимизни давом эттирамиз.

Яқин кўшилларимиз билан кўп асрик дўстлик, яхши кўшичилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз. Бунда минтақамиз давлатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, энергетика, сув, экология, хавфсизлик, маданият ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янада чуқурлаштирамиз.

Афғонистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, уни минтақадаги иқтисодий жараёнларга кенг жалб қилиш асосий мақсадларимиздан бири бўлиб қолади.

Асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амир-

ликлари, Қатар, Иордания, Кувайт, Ўмон, Ҳиндистон, Покистон ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари билан янги ва истиқболли йўналишларда манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Жанубий Кавказ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни кенгайтириш стратегик йўналишларимиздан бири бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги анжуманимизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига қарата айтмоқчиман: биз билан алоқаларни кенгайтириб, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни фаол қўллаб-қувватлаётгани учун мамлакатларининг ҳукуматларига алоҳида ташаккур билдираман.

Нуфузли халқро ва минтақавий ташкилотлар, иқтисодий институтлар билан яқин ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқамиз.

Халқро валюта жағфармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилмий инвестициялар банки ва бошқа аҳоли молия институти билан ҳамкорликда иқтисодиётимизни технологик модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, барқарор энергетика ва транспорт лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларни давом эттирамиз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислон ҳамкорлик ташкилоти доирасида анъанавий, кенг қамровли шериклик алоқаларини янада кенгайтирамиз.

Бундай улгувор вазифалар билан бир қатор юртимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динларро дўстлик ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини оширишни талаб этади. Бунинг учун биз барча зарур чора-тadbирларни амалга оширамиз.

Азиз ватандошларим! Бугун сизлар билан 2026 йил ва келгуси беш йил учун катта марраларни белгилаб олдик.

Эришилган улкан натижалар, янги устувор вазифалар "Ўзбекистон – 2030" стратегиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳолилаштирилган фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилади. Парламент вакилларини ҳам бу жараёнда ўз таклифлари билан фаол иштирок этишга чақираман.

Келгуси йилда маънавият соҳасини янада ривожлантириб, ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги муҳим саналарни кенг нишонлаймиз. Жумладан, барча ютуқ ва галабаларимизнинг пойдевори бўлган Ватанимиз мустақиллигининг шонли 35 йиллигини катта байрам сифатида ўтказамиз.

Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темуру Мир Алишер Навоий болаларимизнинг кутлуғ таваллуд айёмларига тайёргарликни хизматдан бошлашимиз керак. Бундай улуг саналарни

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БАНКИ:

ОНЛАЙН ОМОНАТЛАР БЎЙИЧА
ФОИЗЛИК ЎСИШИ

387



Бу ҳақда куни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот маркази "Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ томонидан ўтказилган "Аҳолига тақдим этилаётган чакана хизматлар: сарҳисоб ва режалар" мавзусидаги матбуот анжуманида банк масъуллари маълум қилишди.

Банк масъул ходимлари, кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган анжуманда юртимизнинг миллий банк тизими сўнгги йилларда аҳоли учун қулай ва ишончли соҳалардан бирига айланиб бораётгани эътироф этилди. Буни жорий йилнинг 15 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев капитал бозорини янада ривожлантириш ҳамда банк соҳасида халқаро стандартларни жорий этишни жадаллаштириш юзасидан тақдимот билан танишуви давомида қайд этилган натижалар ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, банк соҳасидаги ислохотлар доирасида сўнгги етти йилда тижорат банкларининг активлари 5,3 баробар ўсиб, 877 триллион сўмдан ошди. Фаолият олиб бораётган банклар сони 35 тага етди ва 2017 йилдан бери Ўзбекистонда 3 та хорижий банк фаолияти йўлга қўйилди.

Ўз навбатида, аҳолига тақдир этилаётган замонавий хизматлар жозибадорлиги ошиб, соғлом рақобат муҳити юзага келди. Бу эса ми-

жозларда танлаш имкониятини ошираётгани билан аҳамиятлидир.

"Бизнесни ривожлантириш банки" АТБ ҳам ушбу тенденциялар ва замонавий талабларга тезда мослашиш, кескин рақобат муҳитида ми- жозларга янада кўпроқ қулайлик яратиш ор- қали ишончларини мустаҳкамлашга мунтазам эътибор қаратмоқда.

Анжуманда ушбу йўналишда амалга оши- рилаётган лойиҳалар ва уларнинг натижалари хусусида атрафлича маълумот берилди:

Бугунги кунда юртимиз бўйлаб Бизнесни ривожлантириш банкининг 1 та ипотeka мар- кази, шунингдек, 60 та банк хизматлари офиси ҳамда банк хизматлари марказлари мавжуд бўлиб, миқозлар учун 539 та банкмат хизмат кўрсатмоқда.

Биргина 2025 йилнинг ўзида 24 та янги хиз- матлар жорий қилиш ҳисобига Чакана бизнес йўналишидаги маҳсулотлар сони 49 тага ет- казилди. Шундан кредит маҳсулотлари 23 та, омонатлар 5 та, банк карталари 11 та, халқаро пул ўтказмалари ва "SWIFT" каби хизматлар 10 тани ташкил этмоқда.

2025 йилнинг 1 декабрь ҳолатига жами аж- ратилган чакана кредитлар ҳажми ўтган йил- нинг мос даврига нисбатан 83 фоизга ўсиб, 3 трлн 949 млрд сўмга етказилди.

Аҳоли тадбиркорлигини ривожлантириш



учун ажратилган кредитлар эса шу даврда 255 фоизга ўсиб, 1 трлн 126,4 млрд сўми таш- қил қилди. Ўз навбатида, чакана кредит пор- тфели қолдиги 19 фоизга ўсишига эришилди ва 1 декабрь ҳолатига 13,6 трлн сўми ташкил эт- моқда.

Шу билан бирга, ҳисобот даврида жами аж- ратилган чакана кредитлар сони бўйича ҳам ўсишга эришилгани маълум қилинди. Хусусан, 2024 йил 1 декабрда бу хизмат миқозлари 62 181 тани ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида 101 043 нафарга етди, бу борада 62 фоизлик ўсиш қайд этилди. Аҳоли тадбир- корлигини ривожлантириш учун ажратилган кредитлардан фойдаланганлар сони ҳам 37 348 тага етди ва ўсиш динамикаси 75 фоизга тенг бўлди.

Аҳамиятлиси, онлайн хизматлар йўна- лишида ҳам ижобий ўсиш суръатлари қайд этилди. Жумладан, ажратилган онлайн микро- қарзлар борасида ўсиш 93 фоизни ташкил қи- либ, умумий миқдори 80,3 млрд сўмга етди. Қўрилаётган чоралар ва тарғибот тадбир-

лари орқали аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш борасида ҳам сал- моқли натижаларга эришилди. Хусусан, ҳи- собот даврида омонатлар қолдиги, 94 фоизга ўсиб, 3 трлн 850 млрд сўмга етди. Шу даврда аҳолидан жалб қилинган мuddатли омонатлар ҳажми 4 трлн 999 млрд сўми ташкил қилди. Эътиборлиси, онлайн омонатлар миқдори 268 млрд сўмга етиб, бу борада 387 фоизлик ўсиш кузатилди.

Шу билан бирга, ўтган даврда 152 887 дона "HUMO", 118 317 дона "UzCARD" ҳамда 41 699 дона "Visa" банк карталари эмиссия қилинган ва бу борада ҳам мос равишда 33,158 ва 79 фоизлик ўсиш қайд этилди.

2024 йил 1 декабрь ҳолатига 322,7 млн АҚШ доллари миқдорига халқаро пул ўтказ- маларига оид амалиётлар бажарилган бўлса, бу кўрсаткич ҳам сезиларли даражада яхши- ланиб, жорий йилнинг мос даврида 522,9 млн АҚШ долларини ташкил қилди.

"BRB Mobile" иловаси орқали миқозларга тақдир этилаётган маҳсулотлар ҳажми ва си-

фатини оширишга қаратилган изланишлар натижасида доимий фойдаланувчилар сони 682 мингдан ошди. Иловада амалга оширил- ган транзакциялар сони 5 956 708 тани ташкил қилиб, уларнинг умумий миқдори 4 трлн 651,2 млрд сўмга, қўрилган фойда эса 25 млрд 550 млн сўмга етди.

Матбуот анжуманида иловадан фой- даланиш бўйича яна қўшимча маълумот- лар, шунингдек, "BRB Mobile" ҳамда "Mening Yuqurtm" платформалари юзасидан атраф- лича маълумотлар очикланди.

Шунингдек, иштирокчилар янги — "Champion", "Sherdor" карталари ва бошқа янги хизматлар ҳамда истиқболда қўзда тутилаёт- ган лойиҳалар, хусусан, 2026 йилда тақдир этилиши режалаштирилаётган лойиҳалар ҳа- қида ҳам атрафлича таништирилди.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.
Реклама ҳуқуқи асосида.

ОГОҲ БЎЛИНГ!

САЛОМАТЛИК ИСТАКДАН УСТУН БЎЛСИН

Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ), орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) ҳамон инсон саломатлиги учун жиддий таҳдид бўлиб қолмоқда. Касаллики даволаш борасида эришилаётган ютуқлар бўлишига қарамадан муаммо муаммолигича қолмоқда. Чунки бу дард ўта хавфли ва ҳозирча давоси топилмаган. Афсуски, ҳали-ҳануз орамизда ушбу дардга чалинган ва уларнинг ташувчиларига айланаётганлар кўп.



тарзда ҳамда туман тиббиёт бирлаш- маларида бепул тарзда намуна (ана- лиз) топшириш мумкин.

Хусусан, бизнинг Самарқанд ви- лоят марказимиз лабораторияси замонавий усуналар билан жиҳоз- ланган ва таҳлиллар сифатли ўтқа- зилиши учун тест тизимлари билан тўлиқ таъминланган. Лаборатория умумий клиник биокимё диагностика бўлимида беморларнинг СД-4 ҳужайраси миқдорини аниқлаш таҳлили ҳам ўтказилди. Бу таҳ- лил носпецифик текшириш усулига қилиб, беморларнинг саломатли- гини баҳолаш учун жуда муҳим аҳа- миятга эгадир.

СД-4 ҳужайраси бу иммун ти- зими ҳисобланиб, организмни турли хил инфекциялардан ҳимоя қилади. ОИВ (одам иммунитетети танқислиги вируси) айнан СД-4 ҳужайрасига ҳу- жум қилиб, уларнинг сонини камай- тиради. Натижада иммунитетнинг заифлашишига олиб келади. Соғлом одамларда 500-1500 мкл гача бў- лади. ОИВ инфекцияси билан касал- ланганларда бу кўрсаткич бирмунча пайсанг бўлади.

Шифокорлар кўрсатмаси билан

янгини назоратга олинган беморлар- дан ҳар 6 ойда, назоратга турган бе- морлардан эса йилга 1 марта, кли- ник кўрсатмалар билан СД-4 миқ- дори 250-300 мкл дан паст бўлган беморларда ҳар 3 ойда СД-4 ҳужай- раси миқдорини аниқлаш учун қон намуналар олинади. Таҳлил нати- жалари олингандан сўнг беморларга АРВТ (Антиретровирусга қарши тера- пия) тавсия этишга асос бўла олади. СД-4 ҳужайраси миқдорини аниқлаш- нинг аҳамияти шундаки, беморларга вирусга қарши дориларнинг таъси- рини билишдан иборат. АРВТ пре- паратларни ўз вақтида қабул қилган беморларда иммунитет тикланади, яъни СД-4 миқдори кўпаяди, ви- рус юктамаси ҳам камаяди. Бемор- ларнинг ҳаёт тарзи яхшиланади ва умри узаяди. ОИВ инфекцияси юқиш хавфи камаяди.

Қисқа қилиб айтганда, саломатлик ҳар кимнинг ўз қўлида. Уни турли ҳо- ҳавас йўлида қурбон қилмайлик.

Савда ЖУМАЕВА,
Самарқанд вилоят ОИТСга
қарши кураш маркази врач
ёрдамчиси.

ХОРИЖ

ГЕРМАНИЯГА БОРУВЧИЛАР
ОГОҲЛАНТИРИЛДИ

Яқинда ўтказилган брифингда Россия Ташқи иш- лар вазирлиги расмий вакили мамлакат фуқаро- ларини шошилинч зарурат бўлмаган вазиятда Гер- манияга бормасликка қаҳирди. Тегишли тавсиялар вазирликнинг расмий сайтлари ва Россиянинг чет элдаги ваколатхоналарида эълон қилинди.

Бундай огоҳланти- ришга Германия- нияда Россия фуқаролари билан юз бер- ган кўнгилсиз ҳолатлар са- баб бўлган. Немис ҳуку- мати санкция- ларни бузишда гумон қилиб уларни таъқиб қилмоқда. Мисол сифатида Штутгарт аэропортидаги ҳодиса келти- рилган. Уша воқеада немис боғхона ходимлари россия- лик аёлнинг шахсий буюмлари ва нақд пулини олиб қўй- ган. Мюнхен аэропортида эса "Зенит" жамоаси бош му- раббийи Сергей Семак ва унинг рафиқаси Анна Европа Иттифоқи ҳудудида сотиб олган буюмлари, жумладан, бир жуфт этик, кўзойнак ва рўмол учун жаримага тортил- ган.

ПОКИСТОНДА ВАРРАК УЧИРИШ
ТАҚИҚЛАНДИ

Покистоннинг Панжоб провинцияси парламенти маҳаллий аҳолига варрак яшаш ва учирини тақиқ- лади. Тақиққа кўра, қондабузарлар етти йилгача озолиқдан маҳрум этилиши ва 5 миллион Покистон рупиясигача (салкам 18 минг доллар) жарима тўлаши белгиланди.

Бу ҳақда "Express Tribune" газетаси хабар берди. Янги тартибга кўра, вар- рак фақат махсус белгиланган кун- ларда ва рухсат этилган ҳудудларда учирилиши мумкин. Металл сим, ней- лон ип, шунингдек, кимёвий ёки ўткир қопламали варрак ипларидан фой- даланиш ман этилади. Ушбу талабларга риоя қилмаган шахслар 3 йилдан 5 йилгача қамоқ жазоси, 2 миллион ру- пийгача (7 минг доллардан ортқ) жарима ёки ҳар иккала жазо билан жазоланиши мумкин. Бунинг сабаби очиклан- маган.

СУРИЯДА ЯНГИ ВАЛЮТА
МУОМАЛАГА ЧИҚАРИЛАДИ

Сурия Марказий банки раиси Абдулқодир ал-Ҳас- рия 2026 йил 1 январдан мамлакатда янги Сурия валютаси муомалага чиқарилишини маълум қилди.

Абдулқодир ал-Ҳасрия иж- тимойи тармоқ- даги хабариде пул ислохотига оид фармон эълон қилин- ганни ва унга мувофиқ янги валюта муома- лага киритили- шини маълум қилган.

Марказий банк раҳбарининг сўзларига кўра, янги Су- рия валютаси озолиқдан кейинги молиявий мустақил- лик рамзи бўлиб, Марказий банк раҳбарлигида барча то- монлар ҳамкорлигида барпо этиладиган янги босқични бошлаб беради.

Янги валюта билан боғлиқ батафсил маълумотлар шу йилнинг 28 декабрь куни бўлиб ўтадиган йиғилишда эъ- лон қилиниши кутилмоқда.

ҲИНДИСТОНДА СУВ ТАНҚИСЛИГИ

Ҳиндистонда сув ресурсларининг камайиб бораёт- гани йирик ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компаниялар фаолиятига босим ўтказмоқда. Ай- ниқса, мамлакатнинг шимоли-ғарбида жойлашган Ра- жастан штатида сув етишмовчилиги саноат ва аҳоли эҳтиёжлари ўртасида мувозанатни сақлашни қийин- лаштирмоқда.

Ражастан ҳу- дудининг катта қисми чўл мин- тақасига ки- ради ва бу ерда ер ости сувлари за х и р а л а р и тез суръатда ка м а й м о қ д а . Амалдаги қо- нунларга кўра, маҳсулотларни шатлар ўртасида эркин ташиш чекланган бўлиб, компа- ниялар сув танқислигига қарамай, ишлаб чиқаришни ай- нан шу ҳудудларда олиб боришга мажбур. Бу эса сувга бўлган босимни янада қўчайтирмоқда.

Йирик компаниялар сувдан фойдаланишни камай- тириш ва уни қайта тиклаш чораларини кўраётганини бил- дирди. Заводларда сувни тежовчи технологиялар жорий этилмоқда, ёмғир сувини йиғиш ва ишлатилган сувни қайта тозалаш ишлари амалга оширилмоқда.

Интернет хабарлари асосида Мухаммадсодиқ Тўраев тайёрлади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК — ЮКСАЛИШ ОМИЛИ

Халқаро ҳамкорлик — бу замонавий олий таълим муассасалари учун глобал таълим ва илмий майдонда самарали рақобатлашиш, инновация ва билим алмашинуви таъминлашнинг қудратли механизми ҳисобланади. Бугунги кунда университетлар нафақат ўз миллий стандартларига амал қилади, балки жаҳон таълим стандартлари ва халқаро илмий амалиётлар билан мувофиқлашган ҳолда фаолият олиб бормоқда. Шу маънода, халқаро ҳамкорлик Олий таълим масканларининг илмий салоҳиятини ошириш, таълим сифатини юксалтириш ва талабалар учун кенг имкониятлар — халқаро стажировка, илмий лойиҳалар ва академик алмашинувлар яратишда ҳал қилувчи роль бажаради.

Халқаро ҳамкорликни мустақамлаш ва кенгайтириш — ҳар қандай ОТМнинг барқарор ривожланиши, таълим сифати ва илмий салоҳиятини оширишда муҳим устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу маънода Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ҳам бир қатор илгор ва самарали чора-тадбирлар мунтазам амалга ошириб келинмоқда.

Институтда халқаро шериклар билан кўплаб таълим ва илмий алоқалар ўрнатилган. Институтнинг Халқаро ҳамкорлик бўлими чет элнинг 50 дан ортиқ олий таълим муассасалари, ташкилотлар ва илмий муассасалар билан қатор меморандумлар ва келишувлар тузиб, улар орқали кўшма таълим дастурлари, илмий тадқиқотлар ва замонавий билим алмашинуви имкониятларини йўлга қўйган. Улар орасида Италия, Португалия, Япония, Туркия, Россия, Хитой, Қозғистон Буюк Британия каби ривожланган давлатлар ҳам бор.



Ушбу ҳамкорликнинг самараси сифатида институтимиз талабаси Тулибаев Ерлан ва Нурмаханов Сайдали Япониянинг Чика университетини ва институтимиз ўртасида тузилган шартнома асосида "МEXT" стипендияси танловида иштирок этиб, Япониянинг Чика шаҳрида жойлашган, дунёнинг энг кучли "ТОП-1000" университетлари рўйхатидан ўрин олган (771-ўринда) Чика университетини магистратура босқичида 100 фоиз грант асосида тахсил олиш бахтига муяссар бўлди.

Россия Федерациясининг Ёшкар-Ола шаҳрида жойлашган Поволжье давлат технология университетида 5 нафар талабамиз 100 фоиз грант асосида магистратура босқичида ўқиш имкониятини кўлга киритди.

Германия давлатининг "Weihenstephan-Triesdorf University of Applied Science" университетида ва Италиянинг Туча университетларида магистратура босқичида тахсил олаётган талаба-ёшларимиз ҳам бор.

Қозғистон Республикаси Олмаота шаҳрида жойлашган Қозғистон миллий аграр тадқиқот университетида 3 нафар талабамиз имтиҳонларсиз тўлов-контракт асосида магистратура босқичида ўқиш имкониятини кўлга киритди.

"Work and Travel" бўйича 400 нафарга яқин талабалар "JD EAST" компанияси билан тузилган шартнома асосида Германия давлатига амалиётга бориб, соҳавий билим ва амалий кўникмаларни мустақамламоқда. Ушбу ҳамкорлик ишлари ва амалиёт тизими талабаларимизда қишлоқ хўжалиги ва чор-

вачилиқда замонавий билим, чет давлатларнинг маданиятларини ўрганиш имкониятини бермоқда.

Институтда Буюк Британиянинг Тошкентдаги элчихонаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Ташқи бераза ёрдам маблағларини (грантлар) жалб этиш ва донорлар билан ишлаш бўлими вакиллари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ходимлари томонидан деградацияга учраган ерларнинг унмдор қатлами қайта тиклаш бўйича Буюк Британия тажрибасини ўрганиш ҳамда уни Қорақалпоғистон шароитида қўллаш имкониятларини муҳокама қилиш мақсадида "Олти дюйм тупроқ" номли ҳужжатли фильмнинг тақдими бўлиб ўтди.

II Ўзбекистон-Хитой таълим форуми доирасида Қорақалпоғистон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва Хитой Халқ Республикасининг Синцзян Қишлоқ хўжалиги университети ўртасида ўзаро ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Ушбу шартнома икки олий таълим муассасаси ўртасидаги дўстона алоқаларни мустақамлаш, таълим, фан ва инновациялар соҳасида кўшма ташаббусларни ривожлантиришга қаратилган.

Дунёнинг энг кучли "ТОП-300" университети қаторидан ўрин олган Япониянинг Тохоку университети талабаси Юҳара Юме Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ва Тохоку университети ўртасида тузилган шартнома асосида "Академик мобил-

лик" дастури бўйича 1 йил институтимизда тахсил олди.

Бундай ташрифлар талабалар учун янги билим манбаларини очади ва миллий таълим муҳитини халқаро тажриба билан уйғунлаштириш имконини беради.

Ҳозирги глобализация шароитида олий таълим муассасалари халқаро ҳамкорликни фақат илмий алоқалар деб билмасдан, талабаларни интеллектуал, маданий, психологик ва маънавий ривожлантириш учун муҳим стратегик восита сифатида қўриб чиқмоқда. Бир томондан, халқаро ҳамкорлик билим ва тажриба алмашиши ривожлантиради; бошқа томондан эса у талабаларнинг миллий-маданий ўзлигини сақлаш ва маънавий иммунитетни мустақамлаш учун янада катта вазифаларни юклайди.

Бунда қуйидаги хавфлар юзага келиши мумкин:

- миллий маданий ўзлигини йўқотиш хавфи;
- адаптация стресс ва ижтимоий изоляция;
- аксилитерация ва академик қийинчиликлар.

Ушбу хавфлар натижасида, яъни халқаро тажрибалар ва таълим алоҳида муҳитда ўзлаштирилганда, талабалар ўз миллий қадриятларидан узоқлашиши ва глобал маданият таъсири остига кириб қолиши мумкин. Бу ҳолатлар маънавий иммунитетнинг заифлашиши ва миллий ўзига хосликнинг сусайишига олиб келади, шу боис ОТМларда миллий маданият ва қадриятлар асосида тарбия дастурлари интеграция қилиниши муҳимдир. Шунингдек, халқаро муҳит талабаларни янги маданиятларга мослаштиришни талаб қилади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талабаларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланиши, маданий капитал ва психологик ресурслари уларнинг интеграция стратегияларига катта таъсир кўрсатади. Бу масала самарасиз бўлганда, талабаларда ижтимоий изоляция, ўзлигининг йўқолиши ва руҳий стресс каби ҳолатлар юзага келади, уларнинг илмий фаоллиги ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Оқоридаги салбий оқибатлар юз бермаслиги учун, яъни ҳар бир талабада миллий ўзлигини англаш, маънавий иммунитетни барқарорлаштириш мақсадида институтимизда бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йил давомида талаба-ёшлар ўртасида маънавий-маърифий йўналишда 300 га яқин чора-тадбирлар ташкил этилди, ушбу тадбирларда 25 мингдан ортиқ талаба-ёшлар фаол иштирок этди.

Бунда, асосан, қорақалпоқ ва ўзбек миллиятининг тарихий маданияти, миллий урф-одатлари, миллий адабиёт мавзуларини қамраб олган давр сўхбатлари, учрашувлар, талаба-



лар учун тарихий экскурсиялар, миллий мерос музейларига ташрифлар ташкиллаштирилиб келинмоқда.

"Келажак соати" лойиҳаси асосида маърифат дарслари ҳар ҳафтада ўтилади. Халқаро ҳамкорликни миллий қадрият билан уйғунлаштириш мақсадида чет элларда бўлган вақтда талабалар ўз маданиятини танитиш ҳамда институтга ташриф буюрган чет эллик меҳмонларга миллийлигимизни, урф-одатларимизни, бой тарихимизни кўрсатиб бериш каби самарали ишлар олиб боришмоқда.

Миллий ўзлигини англаш ва маънавий иммунитетни мустақамлаш — бу фақат таълимнинг бир қисми эмас, балки талабаларнинг шахсий, интеллектуал ва маънавий ривож билан боғлиқ комплекс жараён. Олий таълим муассасаси даражасида тегишли чоралар олиб борилса, биринчидан, талабаларнинг миллий қадриятларга садоқати ошади ва ўзларидан салбий таъсирларга қарши иммунитет шаклланади.

Иккинчидан, жаҳон майдонида ўзлигини сақлаб қолган креатив ва масъул мутахассислар камол топади. Бу эса нафақат қишлоқ хўжалигида, балки республикадаги ҳар бир соҳада муҳим аҳамият касб этадиган муҳим вазифа ҳисобланади.

Бердӣёр ЖОЛЇБЕКОВ,
Қорақалпоғистон қишлоқ
хўжалиги ва агротехнологиялар
институти ректори.

ИБРАТЛИ ЖУРНАЛИСТ

1-6. Бугун Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, фахрий журналист Гулчехра Умарова таваллуднинг 70 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда Уюшма раиси в.б. Холмурод Салимов Гулчехра Умаровани юбилей ёши билан қутлаб, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 27 июндаги "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан ўзининг юбилей ёшини қарши олаётган медиа соҳа вакиллари ҳар жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади.

Гулчехра Умарованинг ҳаёт йўли кўпчилик учун ибрат мактаби, десак, муболаға бўлмайдди. У 1973 йилда Тошкент давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, меҳнат фаолиятини "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида бошлаган. Ушбу тахририятда мусахҳих, муҳбир, катта муҳбир, бўлим мудири лавозимларида самарали фаолият юритган.

Айни пайтда устоз журналист ўз фаолиятини "Jadid" газетасида адабиёт ва санъат бўлими мудири, шунингдек, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг матбуот бўлими раҳбари сифатида давом эттириб келмоқда.

Матбуотдаги самарали ижоди ва ижтимоий ҳаётдаги фаол



иштироки учун Гулчехра Умарова "Меҳнат шухрати" ордени, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони билан тақдирланган.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ



Гулистон шаҳридаги Савдо-саноат палатасининг анжуманлар залида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ташкил этилган "Касаба уюшмалари — ишончли ҳимоячи" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси Р.Турсунмуродов, таниқли ёзувчи Нуралӣ Қобул, вилоятда яшовчи ижодкорлар, касаба уюшмалари фаоллари, фахрийлар, ҳамда оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Танлов натижаларига кўра, биринчи ўринга янгиерлик ижодкор Н.Дўсматова, иккинчи ўринга Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлими мутахассиси Д.Исмадиёрова, учинчи ўринга эса "Гулистон ҳаёти" газетаси бош муҳаррири Б.Норжигитова сазовор бўлди.

Ғолиблар касаба уюшмалари вилоят кенгашининг ташақкурнома ва қимматбахшо совғалари билан тақдирланди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси
Ахборот хизмати.

МАВЗУГА ҚАЙТИБ

МАЪРИФАТПАРВАРЛИК ҲАМ САВОБЛИ ИШ

"Hurriyat" газетасининг 28 июнь сонида "Бобом — менинг ҳаёт мактабим" мақоласида журналист Аброр Ғуломов шахсий архивидан "Қирғизистон ҳақиқати" газетасининг 1957-1958 йиллардаги тахлamlари сақланаётгани ҳақида гапирга туриб, Бишкекда чиққан ушбу нашрнинг илк сонига бобоси Нўъмонжон Ғуломов муҳаррирлик қилгани тўғрисида хабар беради.

"Қирғизистон ҳақиқати" пойтахтдан кейин Ушга ўтказилиб, вилоят газетаси мақомида чоп этилган. Аброр бу тахлamlарни қўшни республикага ҳада этишни уйлаб юрган кезлари "Hurriyat"да ишлайдиган дўсти Дилмурод Қирғизбоев ва қаламкашларнинг устози Мухтор Худойқулловга маслаҳат солади ва уларнинг кўрсатган йўли-йўриғи билан уларни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига топширишга кўнади...

Газеталар тахлamlари Миллий кутубхонанинг собиқ директори Зухриддин Исоимиддинов ва кутубхона жамоаси иштирокида топширилди. Бу ҳақда илк хабарни мазкур маърифат маскани раҳбари Умида Тешабаева ижтимоий тармоқдаги саҳифасида ёзиб чиқди: "Қирғизистонда ўзбек тилида нашр қилинган газетанинг Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондида бўлиши муҳим. Дунёнинг қайси бурчагида бўлишидан қатъи назар, ўзбек тилида ва Ўзбекистон ҳақида чоп этилган манбаларнинг бўлиши, "Ўзбекистон давлат библиографияси" юристиликнинг тўлиқлигини таъминлайди. Демак, бугунги тақдир этилган газеталар ўша йиллари тайёрланган кўрсаткичнинг тўлиқлигига хизмат қилади. Қолаверса, тарихий, миллий, маданий, маърифий жиҳатларини кўзда тутган ҳолда, илмий изланувчилар учун, илмий



тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб ҳисобланади".

Мазкур хабарга қўллаб китобхонлар муносабат билдиришди. Улар "бу улғу саваб иш" эканлигидан дарак бериб, уларидан шу каби ноёб газета ва журналлар, китобларни сақлаётганлар учун урнат эканини, архив материаллари ҳам тарихнинг кичик бўлаги эканлигини таъкидлашди.

Мухтор Худойқуллов 1958 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини IV курсни битирган, республиканинг турли газеталарига амалиётга йўлланма олганини хикоя қилади: "Қирғизистондан Хайитбой Ҳакимов ва Болтабой Юсупов ўша пайтда Қирғизистонда янги иш бошлаган ўзбек тилидаги "Қирғизистон ҳақиқати" газетасига боришди. Сентябрьда биз ўқишга қайтдик, ammo улар келишмади — газета редакциясида ишда қолди (кейин университетни сирдан ўқиб битирди). Бунга ўша янги газета тахририятини журналистлар учун яхши шaroитлар яратилганлиги, газета муҳаррири Нўъмонжон Ғуломовнинг ёш журналистларга оталарча меҳрибонлиги сабаб бўлган эди.

Мен Нўъмонжон акани танирдим, атоқли журналист эди. Отaxon журналистнинг набираси — бизнинг факультетимиз битирувчиси Аброржон ҳозир бу оилавий аънанани шараф билан давом эттиряпти, элга танилган яхши журналист".

Шунингдек, кутубхонада ўтган тадбирга ўз қарашларини билдирганлар орасида устоз журналистлардан бири — Раҳимжон Султонов ҳам бор. "Урнат оладаган, ибратли иш бўлибди, қани энди, қолавлар ҳам шундай ишлар қилишса?" — деб ёзган у.

Раҳимжон Султонов 1992 йили "Фрунзевица" — ҳозирги "Ватанпарвар" газетаси тахририятини сақланаётган, Москвада чоп этилиб, Ўзбекистонда тарқатилган "Красная звезда" газетаси тўпламлари катта юк машиналарга ортилиб, макултурга топширилгани тўғрисида баҳс этади: "Худди шу пайтда Американинг Колумбия университети кутубхонаси бу каби ҳарбий газеталар тахлamlарини истаган пулга сотиб оламан, деб қидириб юрган пайтлар эди..."

Мухаммад КЕНЖА.

ШЕЪРИЯТ

О, баётим – гўзал дил бандим

Гулом ЭГАМШУКУР



Муаллиф ҳақида:
Гулом ЭГАМШУКУР (АБДИЕВ) — 1959 йили Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетини тамомлаган. Иш фаолиятини 1981 йилда Ўзбекистон давлат телерадиокомпаниясида бошлаган. Айни пайтда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари бўлиб ишлайди. Шoirнинг "Қуёшнинг ҳиди", "Рух анатомияси", "Қоғозлар ҳайриги", "Сабр сояси", "Кўнгли Ватани" (турк тилида), "Сенгача..." деб номланган китоблари чоп этилган.

ОТАМ УМРИ

Отанинг умрига тенглашмоқ учун
Яна ўттиз беш йил яшашни керак!
Ваҳима – хаёллар, қуршайди – очун...
Чидаб берасанми юз йил, о, юрак?!

Ҳорғин нигоҳларда милтирайди ёш,
Аллоҳ қудратидан хабар – ҳар калом.
Мункайган гавдада сўнгалар – бардош...
Чидай оласанми юз йил, о, Гулом?!

Дуогўй отамдан ҳикмат излайман,
Гўё авлиёдан насиҳат – дарак.
Худодан сўрайман, илтижо қилиб,
Чидай оласанми юз йил, о, юрак?!

Унинг марҳамати – мустажоб дуо,
Фариштам либоси – оқ булут, яқтак!
Ундан меҳр ёғар кўнглимга даво...
Чидай олсанг эди юз йил, о, юрак?!

Дунё лаззатидан гоҳ бўлиб сархуш,
Ўзини унутиб қўйганда юрак...
Хаёлимда бир хавф айланса беҳуш –
"Отамдан бир хабар олишим керак!..."

* * *

Тилимда қудратин йўқотмоқда сўз,
Бағримда сиқилиб инграйди нолам...
Етмиш минг пардадан кўрсатмас У юз,
Шу қадар гуноҳим кўпмикан, болам?

Сўқирман, кўзимни тортиб олди У,
Бу гавго сароси менга қоп-қора!
Мадорим қолмади, кўнглимда ёху
Кўз очди, аламли, сувайдо – яра...

Арзаанда руҳимга қулоқ тутаман,
Безовта шивирдан титраб вужудим.
Мен Сендан қўрқаман, юрак ютаман,
Оҳ, соҳиб, сарир пойингда сужудим...

Аллоҳга йўл очар ичимда овоз –
Азондек ер-кўкни – хилқатни тутар!
Рухим ҳар субҳгоҳ қилади парвоз,
Кўнглимининг кўзлари очиқ – тонготар!..

УСМОН НОСИР

Усмон Носир, дардли-аламли,
Усмон Носир, келди-ю кетди!
У ҳақдаги эртаклар гамли...
Ҳақ шоирни қашқирлар ютди!

Бир асрдан ошибди, ҳайҳот!
Кўзларим кўр, худди ҳозирдек...
Мени асир этган муҳаббат
Йиғлайверар Усмон Носирдек!

О, баётим – гўзал дил бандим
Сочилади гўё оқ шеърдек.
Онажоним – Ҳуррият, орим
Наъра тортар гурурим шердек!

Ўтиб борар йиллар, асрлар,
Мозий бўлиб қолар бу дамлар.
Тополмасдан шоирлар қабрин
Китоблардан излар одамлар!..

Усмон Носир!..

* * *

Бомдод узра, о, сужудда,
Фигоним йиғлади, куйдим.
Титроғим – нола вужудда,
Дедим, ёлғиз Сени суйдим!

Ўзингсан мукамал маҳбуб,
Кўнглимининг хожаси марғуб.
Сенинг ҳажрингда мен бемор,
Нигоҳим – хунталаш мағриб!..

Офтобинг ботди кўзимга,
Ичимда тонг отди дигар.
Азон айтдим бир ўзимга...
Ишқ селоби – оҳ, ситамгар.

Танамда зилзила зоҳир,
Ҳасби ҳолим тингла Сан!
Ҳажр тўфониди охир
Келди Сурур, важи ҳасан!..

* * *

Сенингдек менда бир дилқушо, воҳ,
офатини йўқдир,
Мискин бу жонга таскин дилдор –
Сен, роҳатихон йўқдир.

Дилфигорман, хаста юрак,
мендан кўчгайдир дилхарош,
Ўртанурман, кел қошима,
менда тоқатихон йўқдир.

Дилқушода дилқаш,
ки дилфуруз боқар лолу ҳайрон,
Сенингдек яратган, билгувчи Ёр,
жавдати жон йўқдир.

Дийдаи жаҳонбин ато қилдинг,
мен эргашиб юрдим,
Не қилай, мендан хабар олгич Ёр,
лаззати жон йўқдир.

Келиб-кетмак машқини –
ашъорда бисёр фош айладим,
Нечун хомуш бу дилғоҳим, айтгин,
миллати жон йўқдир.

Ошиқлар даврасида изҳори
дил айладим – бор, йўқ,
Пири дайр қуй гулоб – нўш айлай,
нақхати жон йўқдир.

Дил саҳроси ёнди, гуноҳим кўп,
Сен мағфират айла,
Ичгали илгимда ваҳдати май,
сийрати жон йўқдир.

АКА

Сирожиддин САЙИДИДА
1.

Ака, омонмисиз дорул замонда?...
Пойтахт – илиқ соғинч,
дийдор – дўсту ёр!
Ёмғир ёғаяпти Сурхон томонда,
Осмон ила Ерни боғлайди

— Фулум, келмайсанми Тошкентга?
— Мирзо сўраяпти, йўқмиш
дарагинг...
— Фарҳод Аъзам кўзгар
хотираларни...

Роса кулишди!..
— Эшитаясанми, Фулом?!
Сенга барча дўстлардан
"Салом!.."

... Ака-ўка бўлиб кезган кўчалар,
Сиздан сўрайверар ёшлигимизни.
Хаёли паришон Муҳаббат ўша!..
Сўрайди, "Севарди!..
Бир-биримизни!.."

Ним аср боғлади дўстлигимизни,
Умр ўтиб борар шиддат-ла,
шитоб.

Шoirлик қисмати мукофот, ака,
Кунимиз шеър бўлди,
умримиз КИТОБ!..
Ака, омонмисиз дорул замонда?
Пойтахт – илиқ соғинч,

дийдор – дўсту ёр!
Ёмғир ёғаяпти бизлар томонда,
Осмон ила Ерни боғлайди
тим тор!..

2.
Ака, армон – афсус,
энди қайтмайди,
У оппоқ туйғуда
учиб кетган қуш!

Муҳаббат ҳали ҳам баланд-
баландда
Ёлвордик, "О, малак, кел,
бағримга туш!.."

Муҳаббат шеър бўлди,
армон – афсона,
Умр тўқнаш келди Қиш афғонига!
Онамиз дуоли ҳар иккимизни –
Тирик олиб келди Бахт тўфонига!..

Бало-қазолардан ғуссамиз –
қабр,
Субҳи содиқ – фурсат, эпик
бошимиз.

Дунё имтиҳони – садрда Сабр –
Бизга йўл кўрсатар, тун –
бардошимиз!..

Ака, армон – афсус,
энди қайтмайди,
У оппоқ туйғуда учиб кетган қуш!
Муҳаббат макридан дилозор,
беҳуш...

Сажжода кўнглимиз
бўш қолмайди, бўш!..

Хар тун парвонангман, чироғинг ёниқ,
Рухнинг сояси йўқ, руҳнинг изи йўқ...
Хар кун ҳузуринга келаман шошиб,
Хавотирман гўё, учаётган ўқ!..

Дунё ғафлатида кечди ҳар оним,
Сен ҳануз Одамсан, мен-чи, ошиқ Рух!
Наҳот бегонага айландик, жоним,
Наҳот муҳаббатнинг кечмиши андуҳ?

Ҳижрон кўчиб кетди юрагимиздан,
Энди айро қолди Тун билан Кундуз!
Шеър топдинги, изма-из – изимиздан,
Наҳот унут бўлди дийдор деган Сўз?!

Сабр дарахтининг тунд соясида
Мен забонсиз сукут уясида!..
Наҳот кўрмайсан, мана, мен келдим,
Гамли кўз ёшларинг ниҳоясида!..

ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ КАСБИЙ ТАЪЛИМ АГЕНТЛИГИНИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КАСБИЙ ТАЪЛИМ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



**барча
ватандошларимизни
яқинлашиб келаётган
Янги йил айёми билан
табриклайди.
Она Ватанамиз янада
гуллаб-яшнасин,
халқимизнинг
дастурхони хамиша
тўкин бўлсин!
Келаётган
2026 йил — "Маҳаллани
ривожлантириш
ва жамиятни
юксалтириш йили"
деб эълон қилинди.
Маҳаллаларимиз янада
обод бўлса, жамиятимиз
юксалаверса, ҳаётимиз
фаровон, обод
бўлаверади.
Янги йил барчамизга
кут-баракали, омадли
келсин!**

ВОҚЕИЙ ҲАНГОМА

“Ҳожи дўстингиздан салом!”

Валижон бугун ўнинчи кундирки, кўнгли сўраб келган меҳмонларни кутиб олиб, кузатади. Уликнинг чачвони узун деганлари шу экан. Улар эҳсон дастурхонига ўтирмайдилар. Бир ҳовуч фотиҳани марҳумга бағишлаб, изларига қайтадилар.

Ногаҳонда оқ рангли "Нексия" машинаси ичкарига кирмай, йулак бошида тўхтади. Валижон бир қараб олиб, кўнгли сўраб келаётганлардан бўлса керак, деб китоб мутолаа қилишда давом этди.

Узун бўйли, барваста, чехраси ёқимтой йиғит қўлида оғиргина елим идишдаги юкни кўтарганча Валижоннинг истиқболига яқинлашди.

Валижон синчков разм солиб ҳам йиғитни танимади. Демак, бу ерлик эмас. Ростдан ҳам шундай бўлиб чиқди.

Меҳмон тавозе билан сўрашгач, ўзини таништиришга шошилмади, аввал кўнғироқдек товусда тиловат қилди. "Ўтган момомизнинг охиратлари обод бўлсин", — деди. Юзларига фотиҳа тортилгач, Валижон уэр сўраб:

— Ука, сизни танимай турибман. Бу ёғи энди кексачилик-да, — деб бошини эгиб турди.

— Ака, жуда зийрак одам экансиз, мени танимаётганингиз айни ҳақиқат. Мен Фарғонаданман. Исмиим Жасур. Бир оёғим пойтахтда, юмуш билан келиб тураман. Кечирасиз-да, водийда бирорта яқин жўрангиз борми? Топлинг-чи?

Валижон бир муддат ўйга толди. Водийдаги яқинларини бир-бир кўз олдига келтирди. Меҳмон шу алпозда хушёрлик қилди:

— Ҳожилардан йўқми, ака? — дея лўкма ташлади.
— Албатта, бор-да! — деди Валижон топқирлигидан хурсанд бўлиб.

— Исmlарини айтинг-чи? — сўради меҳмон худди топшмоқ жавобини кутаётгандек шошилиб.

— Малик ҳожи, унинг туғилган укаси Дилшод ҳожи, — деди Валижон.

— Э, барака топинг, ака, худди ўша Малик ака билан Дилшод ҳожи билан оилангиздаги қайғунини эшитиб, Сизга мендан дуои салом айтиб юборишди. Ҳа, айтгандай, мана бу асални ҳам Малик ака сизга бериб юборди. Яна асал пулини олиб ўтирма, деб қаттиқ тайинлади.

— Йўқ, мен шунча асални ололмайман, — кескин рад этди Валижон. — Биринчидан, у одам асалари боқмас эди-ку.

— Тўғри айтдингиз, — меҳмон яна гапни гапга улади. — у киши асалари боқмайдилар, мана, мен боқаман. Неча йил, неча замон Малик ака билан ога-ини бўлиб кетганимиз. Шунинг учун юмушини менга тайинладилар. Сиз ишонаверинг.

Валижон чўнтагига қўл солиб, пул чиқаришга тайёрланаётганда меҳмон яна тилга кирди:

— Ака, бу сизга текинга, Малик акадан. Яна озроқ пулга сотиб олмоқчи бўлсангиз, улøvда асал сероб. Қанча десангиз, топилади.

— Йўқ, йўқ, ука. Аслида, шу ҳам бизга ортиқчалик қилади. Керакмас эди.

— Нега ундай дейсиз, ака? Малик акани сира хафа қилманг.

Шу сонияда у улов томонга қараб имо қилди. Барваста йиғит машинадан тушиб, у ҳам елим идишда асал кўтариб кела бошлади.



— Жасур иним, бу ортиқча манзирату илтифотни ҳазм қилолмайман. Ўзи айрилиқ азобини... — Валижон у ёғини айтолмади. — Яхшиси, буларни ўзларинг билан олиб кетаверинглар. Маликнинг ўзи олиб келса ярашарди.

— Сиз жуда таъби нозик инсон экансиз. Қойил қолдим! Майли, мана бу идишдаги асалга ҳақ бера қопинг, мен розиман. Текин пишлоқ қопқонда бўлади, деб хавотирдасиз-да. Хоҳласангиз, ҳаммасини, Малик ака хурмати, текинга ташлаб кетамиз.

— Унақаси кетмайди! — кескин эътироз билдирди Валижон бироз ранжиган бўлиб. — Ҳамма нарсанинг ҳисоби бўлади. Хўп, бу идишдагиси қанча?

— Килосига юз мингдан бераверинг, бозорда икки юз мингдан кетаяпти. Албатта, барака топасиз. Бозорда икки юз мингдан қаққон сотаяпман.

— Биласизми, Жасуржон, — овозини пастлатди Валижон, — мен ҳали қатор аза маросимларини ўтказишим керак. Бундай улғуржи маҳсулотни сотиб ололмайман, мени тушунинг.

— Бўлди, майли, — деди меҳмон сал шаштидан тушган бўлиб. — Яна битта идишдагиси олиб кел, — деди ёнида анграйганча турган шеригига. — Бир миллион берсангиз бўлади, Малик ака хурмати. Келинг, бор-барака! Ака, рози бўлсангиз, мен барака топаман.

Валижон ўтирган жойида пулни бериб: "Барака!" — деб юборди.

Меҳмон шошиб изига қайтаётганида, Валижон уларни тўтатиб, оидинлик киритмоқчи бўлди:

— Шошманглар, мен Малик билан телефонда гаплашаман, ҳар ҳолда...

— Ака, ҳозир шарт эмас, сизга сотганимизни эшитсалар, биздан қаттиқ ранжийдилар. Илтимос, ҳозир кўнғироқ қилмай туринг.

Валижон ноилож меҳмонларнинг раъйига қаради. Шундоқ ёнгинасида эса чорполда учта идишда зил-замбил оғир қиём башара қип-қизил суюқлик ўзини кўз-кўз қилиб офтоб нурида ялтираб турарди...

Собиржон ИННОВОВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

АРРА ТУШГАН ЎША ШОХДА...

1-6.

Ишонмасангиз, шу пайтда хоҳлаган қишлоқ ёки далага боринг, айнан шу манзаранинг устидан чиқасиз. Экология ходимлари қанча оғохлантиришига қарамасдан, бу ҳол ҳар йили яна такрорланапти. Далада ёнаётган сомондан кўтарилган қора тутун эса атроф-муҳитни бемалол заҳарламақда.

Учинчи манзара. Қишнинг қорли-қировли кунлари қишлоқ чеккасидаги тутзордан тут дарахтларини ўтин учун қирқиб олаётганларни кўрасиз. Сабабини сўрасангиз, уйда ўтин йўқлигидан нолишади. Маҳалладан бериладиган кўмирнинг эса 70 фоизи тупроқ. Хўш, одамлар нима қилсин? Натижада катта-катта тут майдонларидаги дарахтлар кесилиб кетяпти. Улар пилла қуртига озуқа бўлиш билан бирга, ҳавони тозалайдиган яшил дўстларимиз эди.

Тўртинчи манзара. Бундан қарийб 20-25 йиллар илгари уйимиз орқасидан ўтайдиган ариқча нон оқизиб ердик. Суви жудаям тиниқ эди. Ёз кунлари чаққанганимизда эса ундан ҳовучлаб сув ичардик. Ҳозир бу ариқдан сув ичиш у ёқда турсин, ҳатто унинг сувига қўл юзиб бўлмайди. Унинг суви жуда ифлос ва қўланса. Негаки, ариқ ёқасида яшайдиганларнинг аксарияти унга чиқинди ташлайдилар, ҳар хил ифлос буюмларни ювадилар. Буни-сиям майли. Қайсидир ноинсоф яқинда ҳаром ўлган бузоғини шу ариққа ташлабди...

Унга одамлар ютаётган заҳар эмас, олаётган фойдаси қизиқ

Қишлоқда ловияни пўчоғидан тозалайдиган қўлбола комбайн ясаганлардан бири — Низом тракторчи. У ҳар 100 килограмм тозалаган ловияси учун қарийб 20 килограмм тоза ловия олади. Ниқоб ўрнига оғзи-бурнини оддий мато билан ёпиб олган бу тракторчи у қилаётган ишининг зарари, ҳавони булғатгани ҳақида камна бир эмас, бир неча марталаб эътироз билдирганман. Аммо барибир у ўз билганидан қолмайди. Чунки унга одамлар ютаётган заҳар эмас, олаётган фойдаси кўпроқ қизиқ.

Низом тракторчи билан сал жиддийроқ гаплашганимдан сўнг, у энди бу иш билан шуғулланмасликка ваъда берди. Аммо кейинроқ ҳамма ухлагандан кейин, ярим тунда ишлайдиган одат чиқарди.

Бир кун кечаси уйғониб, ташқарига чиқсам, ҳовлини оппоқ чанг қоллаб олган. Секин қарасам, Низомбой кўшимиз Алишернинг ловиясини янчаётган экан. Мана сизга савия! "Бу ишни мен қилмасам, барибир кимдир қилади-да ахир" дейди у куюниб. Уйлаб қолдим. Балки Низом айбдор эмасдир. Чунки у ҳам ўзича ҳақ. Бола-чақасини боқиб, тирикчилик қилиши керак.

Қишлоқ фаолларидан бири сомон пояларига олов қўйилиб, атрофни булғатгани, ҳазон барглари ёқилаётгани, ариқча кимдир ҳаром ўлган бузоғни ташлагани хусусида вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бош-



қармасига хабар берган экан. У ердаги иссиққина курсида ўтирган масъуллар шу ҳолатни суратга олиб, керакли маълумотлар билан бирга уларнинг телеграммига ташлашни айтишибди. Шундан сўнггина айбдорларга чора кўрилар эмиш... Шу ўринда ҳақли савол пайдо бўлади. Қизиқ, кимдир воқеани суратга олса, маълумот ёзса, хўш, унда масъуллар нима билан шуғулланади?

Битта машина йилига ўртача 10 килограмм заҳарли газ чиқаради...

Ҳаво булғанишига сабаб бўлаётган яна бир омил — транспорт воситалари чиқараётган заҳарли газлардир. Маълумотларга қараганда, биргина Самарқанд вилоятида ҳозирги кунда 500 мингдан ортироқ транспорт воситалари мавжуд. Бир кеча-кундузда транзит тарзда вилоят ҳудудидан қарийб 300 мингга яқин автотранспорт ўтади. Бензин ёқадиган автомобиллар 78 фоиз шундай газларни ҳавога чиқарса, пропан ва метан газ ёқадиган машиналарда бу кўрсаткич икки баравар кам.

Аммо шу кеча-кундузда метан газ шохобчаларидаги бир неча қақиримгача чўзиладиган узун навбатлар натижасида яна автомашина эгалари бензин ёқилгисини афзал қўришапти. Бу эса ўз-ўзидан экологик вазият ёмонлашувига олиб келяпти.

— Бу ерда яна бир муаммо мавжуд, — дейди "Зарафшон" газетасига берган интервьюсида халқаро экологик эксперт Тўраҳон Ҳошимов. — Асфальт ва резина баллонларнинг ишқалиниши оқибатида ҳар бир машина бир йилда атмосферага ўртача 10 килограмм микродорда резина чанги ва турли ноорганик моддаларни чиқаради.

Бу рақамнинг ошиб боришига сабаб бўлаётган нарса ички йўлларда ўзбошимчилик билан

ўрнатилаётган тўсиқлардир. Тўсиқни кўрғач, ҳайдовчи тормозни босади, натижада ҳавога резина чанги кўтарилади...

Яна бир гап. Мутахассисларнинг айтишича, атмосферага тарқалаётган заҳарли газларнинг кўпчилиги эски автомашиналардан чиқаётган экан. Бу борада йўл-патруль хизмати билан ҳамкорликда автомобиллар учун махсус яшил, сариқ ва қизил стикерлар жорий қилинадиган бўлди.

"Бу қанақа ташкилот ўзи?"

Ҳозир қайси туман ёки шаҳарга борманг, жойларда улкан қурилиш жараёнлари бораётганига гувоҳ бўласиз. Турар-жой бинолари, ижтимоий соҳа объектлари қурилаётганлиги яқин, албатта. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Хўш, қурилиш ташкилотлари объект бунёд этишдан олдин экологиянинг ҳулоасини оляптими? Афсуски, ҳаммиша ҳам шундай бўлаётгани йўқ.

Ваҳоланки, амалдаги қонунчиликка кўра, бу ишга киришишдан илгари ер танлашдан тортиб атрофни кўкаламзорлаштиришгача бўлган жараёни қамраб олувчи шундай ҳулосалар олиниши керак.

— Бундан ташқари, қурилиш майдонининг 30 фоизи кўкаламзорлашган бўлиши, қурилиш бораётган жойларда ҳавони 91 фоизгача турли чанглardan тозалаб берадиган чанг-газ тозалаш ускуналари ўрнатилиши ҳам белгилаб қўйилган, — дея давом этади Т.Ҳошимов. — Агарда бундай ускуналар ўрнатилмаса ва экологик ҳулоса бўлмаса, қурилишга рухсат берилмаслиги лозим.

Амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга кўра, назарий жиҳатдан шундай. Аммо амалда нима бўляпти?

Вилоят ҳудудида қурилиш ишлари олиб бораётган аксарият фирмаларда аҳвол бошқача. Бу ердагилар экологиянинг қанақа ташкилот

эканини ҳаттоки билишмайди ҳам.

Мисол учун, вилоятнинг олис туманларидан бирида қурилиш объектида бўлганимизда иккинчи қаватда ишлаётган қурувчилар резина баллон ёқаётганини кўрдик. Атрофга қўланса ҳид ва қоп-қора тутун тараларди. Бунинг сабабини сўраганимизда, улар шу йўл билан мум (қорамой)ни эритаётгани, бу ишни уларга иш бошқарувчи буюрганини айтиши. Қарийб 3 соат уриниб, иш бошқарувчини ҳам, қурилиш ташкилоти раҳбарини ҳам топа олмадик. Уяли телефонлари ўчирилган эди. Ишчиларга қараб: "Экология деган ташкилотни биласизларми?" деб сўрадик. Улар эса елка қисиб: "Бу қанақа ташкилот ўзи?" дейишди...

"Яшил белбоғ"лар қани?

Айрим маълумотларга қараганда, ҳар йили Самарқандда 17,5 миллион туп дарахт экилар экан. Шу пайтгача шу дарахтларнинг ҳеч бўлмаса ярами кўкариб кетганида борми, вилоят ҳудуди яшил ўрмонзорга айланиб кетмасмиди?

Аммо, афсуски, бу рақамлар кўпинча ҳисобот учун қилинади, экилганларнинг ҳам 50 фоизи сувсизликдан қуриб қолади. Бу эса ўз навбатида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келяпти.

Вилоятнинг саноат салоҳияти ҳам беқиёс. Бу ерда мамлакатга донги кетган юзлаб йирик саноат корхоналари мавжуд. Қойдага кўра, бундай корхоналар атрофида албатта "яшил белбоғ" бўлиши лозим. Яъни улар атрофи дарахтлар билан ўралган бўлиши талаб қилинади. Шундагина бу "белбоғ"лар корхонадан чиқаётган зарарли чиқиндиларни тутиб қолиб, ҳавони тозалаб туради.

Лекин мавжуд ишлаб чиқариш объектиларнинг кўпчилигида бундай "белбоғ"лар мавжуд эмас. Борлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. "Самарқанд — Тошкент" йўнали-

шидаги катта трассанинг Самарқанд ва Ну-робод туманлари ҳудудидан ўтувчи қисмида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари ёки автомобилларга газ ва бензин қуйиш шохобчаларини олинг. Биронтасининг ёнида дарахтзор ёки яшил майдончани кўрмайсиз. Бу ерда озиқ-овқат дўкони, ошхона ва ҳожатхона бор, холос. Машиналарга ёнилғи қуядиган хизматкор йигитларнинг биронтасида эса ҳаттоки оддий ниқоб ҳам йўқ.

Бузилган тандирлар...

Айтиш жоизки, экологик вазиятни яхшилаш борасида ҳукумат миқёсида жиддий чоралар қўриляпти. Соҳанинг бош мутасаддиси Азиз Абдуҳақимов томонидан "Тоza ҳаво" миллий лойиҳасининг тақдим этилиши, экополиция ташкил қилиниши, шина, мазут ёққанларга жарималар оширилиши, экологик назоратнинг қучайтирилиши шулар жумласидандир.

Дарвоқе, ижтимоий тармоқларда айтилишича, қайсидир вилоятда эса экологик вазиятни яхшилаш мақсадида қўчалардаги сомса ёпадиган тандирлар бузиб ташланибди. Ҳавога тонналаб зарарли моддалар чиқараётган катта-катта объектлар қолиб, тандирларга "хужум" қилиниши Алининг аламини Валидан олгандек бироз ғалати эмасми? Катта корхоналар орқасида "баланд деворлар" тургандек, тандир билан бола-чақасини боқаётган оддий сомсапазнинг эса қўлидаги қосовидан бошқа тиргаги йўқдек туюлди менга...

Аммо яна бир ҳақиқатни унутмаслик керак. Улкан дарёлар кичик ирмоқлардан ташкил топгани сингари, катта муаммолар ҳам, одатда, майда муаммолардан ташкил топади. Натижа эса ўзингизга маълум.

Инсон табиати ғалати. Шу даражада ўз қобилиятини ўралиб қолдики, атрофдагиларни заҳарлаб тирикчилик қилишни, ўлган бузоқни ими-жиммида ариққа ташлашни, сомонга олов қўйиб, мушқулимизни осон қилишни ўйлаймиз, бурнимизнинг тағидан нарини кўрмаймиз.

Ҳавонинг ифлосланишида, экология бузилишида яна табиатни, ундаги ўзгаришларни айблаймиз. Аммо айбнинг, хатонинг каттасини ўзимиз қилаётганимизни, афсуски, англаб етмаймиз.

Шу ўринда миллатнинг атоқли ва ардоқли шоири Эркин Воҳидовнинг куйидаги мисралари беихтиёр ҳаёлдан ўтди.

**Бизлар арра тортаяпмиз,
Арраимизнинг тиши йўқ.
"Нега арранг тиши йўқ?" деб,
Сўрайдиган киши йўқ.**

**Аммо бизлар анойимас,
Пишиб кетган кўзимиз.
Арра тушган ўша шохда
Ўтирибмиз ўзимиз...**

Ёрмат РУСТАМОВ,
журналист.

ҚУТЛОВ

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги "ФАРҒОНА АВТОМАТ РАСЧЁТ"

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган 2026 йил билан қизғин муборакбод этади.

Янги йил ҳар бир хонадонга бахт-омад ва фаровонлик олиб келсин.

Барча-барчанинг яхши ният, эзгу орзу-тилаклари рўёбга чиқсин!

Янги йил байрами қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!

РАССОМ ХАНДАСИ



Ҳабибулло МҮЙДИНОВнинг телеграм каналдан олинди.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий
эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун
муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Маърузимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz



Муассис:
Ўзбекистон
Журналистлар
уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси
Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан
руйхатга олинган.

Адади: 4 123
Буюртма — Г-1244

Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нарҳда

ISSN 2183-0160

1 2 3 4 5 6

Топширилди вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 02³⁰



Обуна индекси:
якка
обуначилар ва
ташқилотлар
учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Эркин Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Йўлдош Маҳмудов, Мусаҳҳиҳ: Зуҳро Ҳасанова.

"Шарқ" НМАК босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.